



Барнобек Эшпулатов

МЕГАПОЛИС

Шеърлар



ТОШКЕНТ
«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАХРИРИЯТИ
2002

Адабий муҳаррир:
АҲРОР АҲМЕДОВ

Эшпулатов Барнобек.

Мегаполис: Шеърлар. Адабий муҳаррир Аҳрор Аҳмедов. — Т.: «Шарқ», 2002. — 160 бет.

«Мегаполис» истилоҳини буюк Аристотель илк бора қўлаган экан. Бу суз Яратганнинг узини, Улуғворлик олами, Инсон қалби олами, Абодият оламини, ниҳоят, жуда кўп одам яшайдиган Улкан шаҳар оламини англатади. Шу тахлит, «Мегаполис» китоби ҳам муаллифнинг Олам ва Одам, Борлиқ ва Ватаң, Болалик ва Табиат, Хаёл ва Ҳайрат, Ишқ ва Ҳижрон сингари умрибоқий мавзулардаги шеърларидан тартибланган. Шоирнинг «Инсон минтақалари» китоби (1999)нинг узига хос давоми бўлмиш шеърлар Сизга манзур бўлади деган умиддамиз.

Ўз 2

© «Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти, 2002

*Бобом Эшпулат полвон
Эгамназар карвон ўгли
(1899—1944)нинг
ҳамиша азиз хотирасига*

ИШҚ

Ўртамизда йигирма йил,
Согинч ҳам бардош,
Туйгун, сулим ойлар ўтди,
Шундоқ ҳайрона.
Гоҳ бағримга бошин қуйиб
Исинди қуёш,
Гоҳо обод кунда туйдим
Умрим вайрона.
Бир телбага йуйсинлар-да,
Тушларим содиқ,
Йўлки,
Иккимиздан ўзга солиқ йўқ унда.
Бу бошинда дилим сигмай қолар дунёга,
У бошинда... сен йиғларсан пинҳона,
Тунда.
Қилдан қийиқ ахтарганлар издиҳомида
Тавбалардан тавба қилмоқ шашти қўзгалар,
Ёр,
Қасамлар ичолмадим ишқинг номидан,
Остонангга бош урса ҳам масъуд ўзгалар.
Чақалоқ ҳам беланчакка ўгринча боқиб,
Дилимни авраган ҳайрат шуъласин кўрдим.
Йигирма йил аввал эккан анор ёнида
Муродсизлик муродидан саволлар сўрдим.
Ҳижрон божхонасин кечди инжиган юрак,
Сабр ҳам
Сабрсизлик майидан бағрим қонмади.

Суюклиси қирқни қучди,
Бир қувонсин-чи,
Йигирма ёшиндан,
Гулим,
Қургур тонмади.
Недир кунгил,
Англамайин мудом жайдари,
Муҳаббатга хиёнатни йиллар кечирмас.
Минг бора бағрим уртади
Кутилмаганда
«Ҳали ҳам эрта,
Биродар, ҳали кеч эмас!»
Қояларга юксалдим-да,
Айтиб йигладим,
Теграмда чарх урди шодмон жарқалдирғочлар.
Машриқига қучоқ очиб висол юкундим,
Ҳайҳот...
Тагин тушларимни куйдирди сочлар.
Томчиларга тутдим кафтим,
Чулганди нурга,
Шамолларга оқизмоққа чоғларман жиссим.
Бурж совурган осмонларга етмасдан сасим,
Сомон йўли...
Сомон йўли муборак исминг.
Соғинмоқ бор бу дунёда телба ҳам масрур,
Қумсамоқ бор дамларингда —
Тушуниксиз дард.
Бошимга оқ булиб энди
Юртлардан оша
Сунбул сочларингга қунмоқ истаган ҳар гард.
Мағрибига бошим урдим,
Топдим Машриқин,
Тагин дийдор илинжини орага солдим,
Икки Машриқ дарёсида оқдим навқирон,




Икки Мағриб саҳросида сулувим қолди —
Уртамизда йигирма йил,
Соғинч ҳам мактуб,
Баъзан ҳатто йўлдан оздим,
Баъзан ҳаёлдан.
Ҳижрон таъқиб этмиш бахтли ошиқлар аро,
Гулим, қочиб юрибдирман,
Инон, висолдан!

2000

МИЁНКОЛ

Бахмал адирларда
Аччиқ бодомлар тошди,
Қоратоғда шаддод сойлар чулдирар яна.
Миёнкол чорбоғларига тушганда булбул,
Қайтмиш маъюс кунларимга шукуҳ, тантана.
Томирларда бир ҳоргинлик,
Ёлғизлик майли,
Қўзигуллар жилмайганда шохлар порлайди.
Анвойи исларга тўлган тўқай, ўрамда
Сўқмоқлар ҳам хотиротга имлаб чорлайди.
Қуниб ўтгач юлгунларга минг битта наво,
Саргардон болари гулдан тотганда бўса,
Сезадирман, вужудимдан олгандек мадад
Кўктерақлар лаҳза-лаҳза юксала ўсар.
Бобошамол,
Энди қайга борамиз, айт-чи?!
Этагидан қоқигуллар тўккандек осмон.
Аллабир оҳанглар кезиб теграмда сирли,
Олис, яқин кечмишлардан сўзлайдир ҳамон.
Момолайлак,



Қай бир юртдан қайтиб келдинг, айт,
Согинчларим маъвосидан дунгандирсан, э?
Бир қуш десам,
Ўхшамассан ўзингга сира,
Кел,
Бағримга бир босайин, эй гўзал Хаёл!
Саломат бормисан,
Ўзинг, азамат Гужум?
Чумчуқларинг жонсарак-да,
Шохларинг қайсар.
Тушларингдан сўзлаб бергил,
Суюнчи чўзай,
Новдада ҳам унибди-ку тинмасак майса?
Турангиллар нур эмади,
Яшармиш борлиқ,
Ялпизларни чимчилаб-да ариқлар шошқин.
Осмон, осмон, буз булутлар қайларда қолди,
Юракларни шоширгани келмасми тошқин?
Ажиб ҳислар ёнидан-чи кечганча дариг,
Термулиб қолганда бирпас хаёл изидан,
Йўлларингга термулганда, ҳаётбахш баҳор,
Ваҳимали тунларимда бахш этдинг чидам.
Лангарота,
Азим зирвам,
Харсанглар куйчи,
Арчазорда болдизқўқлар гулин тўзгитар.
Қуёш изидан эргашиб ошиғич, телба,
Ойдин сойлар қоялардан бош олиб кетар.
Бобошамол,
Жуманбулбул, ўзингмисан, айт,
Суюклимга қайси дардни деганим яхши?
Гурра, Оқсоқолота, Заргар, Сармишсой,
Қайдам,
Барчаси ваҳдат ишқидан бўлгандир бахши?!

Миёнкол чорбоғларига тушганда булбул,
Ўн туртимни унда кўрдим,
Йулга тикмиш кўз,
Ошиқлар оҳидан турфа чечаклар сочган
Дилбардек гамзавор боқса дунёга Навруз.

2002

МУЛЛА ЭГАМНАЗАР ДЕВОНИ ЁКИ НОМАЪЛУМ ШОИРЛАР

Танидим,
Устод,*
Танидим илғаб байтингиз,
Ўзимча тахаллус,
Туйқус ном-да танладим!
Дейлик, равоатлардан кеча
Бир шеър айтдингиз,
Карвон тортган катта дадам,
Йўлни англадим!
Кулбасида қалдирғочлар жушган баҳорда,
Бугдойзорда бошоқлари шовуллаган сир,
Кафтларига термулганча ойдин наҳорда,
Сажжодада шеър симирап
Бободехқон пир!
Набийлардан,
Расуллардан мерос таёгин

* Катта дадамиз Мулла Эгамназар (1862—1927) карвонкаш, курашчи, сипоҳий, табиб ва хатиб бўлган, инқилобдан сўнграси йиллар давомида битиб юрган девонини Зарафшонга отиб, ҳажга йўл олган экан (1922). Бухоро адабий муҳитида Мавлоно Ҳайрат Бухорий, Мавлоно Нозим Гиждувоний сингари ижодкорлар негадир уз асарларидан воз кечишган, фақат дустларигина айрим намуналарини асраб қолишган. Мулла Эгамназар карвоннинг шеърларини топиш устида излана-япман.


Елка ташлаб яйловларда
Саргайган палла,
Чупон бобо аврамас-да толгин оёгин,
Қундоқдаги гудагига йўллайди
Алла!
Гушангада файзли Келин,
Шоира сенсан,
Ҳуркак кузинг газаллардан юксакдир, аё!
Бу оламда Сўз қолмаса,
Сўздан-да кенгсан,
Басдир дилга
Оқлик,
Гудак,
Латофат,
Аёл!
Боқиб сувга тиниқасан,
Тавбанг арийди,
Арислонёл мавжларида қалам излар Ой!
Маънилари ардоғида дунё қарийди,
Йуқ,
Бунга ҳам кўнмай асло чулдирайди Сой!
Ёмгирлардан шукуҳланар боғлар кечаси,
Осмонлардан ёғар ҳикмат,
Хайрият ҳам бахт.
Саодатинг остонасин излаб нечаси
Етишмакка қурб тополмас, авлиё Дарахт!
Юз йиллардир ўқилмаган Дуо,
Шоирсан,
Ўтда куйган маноқиблар шогирдларинг,
Бил!
Қайга бормай ухуват ҳам қалбга доирсан,
Ўзинг сўйла,
Эй ҳабибим,
Ким битган эди?

Азим дунё,
Сени Шоир яратган асли,
Неси Матлаъ,
Неси Мақтаъ,
Қайдадир Шоҳбайт?!
Тенгдошлигим сезиб қолдим гулгунча фасли,
Маъшар куни қиссасини битган кимдир,
Айт?!
Билмам,
Кимдан «халқ шоири» янглиг бир таъна,
«Унвон» каби тасарруфга кимдандир амал?
Кенгликларга чорлар насим саҳардан яна,
Танбур четар унгурларда
Ҳутдан сунг Ҳамал.
«Вазн» деган танг боргоҳни тиклаган ким, а,
Қай таважжуҳ жилвасига бурж эрур радиф?
Кунгил туроқлари узра дилдор жимжима
Денгизларни сарсон этмиш
Айрилиқ дарди.
Қофияни улғайтирган қайси бир бешик?
Ҳижолаар этагин тутган оғалар, ҳорманг!
Дийдорлашув кемасига очмаса эшик,
Яхши одам,
Бундай дорин пойига борманг!
Битмоқликдан битмаслиги азоби шаддод,
Битмасликдан кечмаслиги рағбати мушкул,
Ҳам Зулумот қоясини ушатса фарёд,
Сув ўрнида оқиб келса этак қизил гул!
Даштларимда ой хонгуллар чимдийди газал,
Рози чистон,
Нози дoston,
Билмасми Ўзи?
Манзил экан ғамларимга
Ер юзи азал,

Қитъалар
Номаълум шоир дилкушо сўзи!
Уммонларда долғаланар дилсуз,
Дилдор байт,
Саҳрода улоққан қум-чи,
Рост сўздек сочқин!
Юрак,
Юраксизлик юкин кўтарганинг пайт
Мисра чодирин тарк эт-да,
Ўзликдан...
Қочқин!
Ойсулув кечалар бағрим чулганди нурга,
Кечгани гўзал ҳис бўлди,
Ёзмасман,
Чида!
Аталган эди ул дилбар,
Лайловаш ҳурга,
Кунгилупар эмиш чунон барин ичида!
Эскирмагай бу маъвода иймон, саховат,
Деворида сичқон йуқмиш,
Гарчи қадимдир.
Фолбин мисол авраганда Сўзни хиёнат,
Кечмоқликнинг бошпанаси сўнгсиз ҳаддимдир!
Истамасми «бобурлик»дан кечмакни Бобур,
Бобомерос мулкин мутаб ётганда ганим?
Кунгилни авради,
Шояд, номаълум бир нур,
Изидан эргашди сарсон,
Етишса,
Қани?
Маҳмуд дорин истаб кезар
Девона Машраб,
Қуним билмас,
Манзил тутмас

Етмагунча то!
Жилмаяди марсиягуй дорга-да қараб,
Келинчаги бўстониға етгандек дилшод!
Бухоронинг чўнг шоири
Мавлоно Ҳайрат,
Ўттиз учда узилган бир мискин,
Бечора,
Ҳақшунослик манзилида сочқилаб гайрат,
Ҳайрат бетин дил юқидан айламиш қора!
Мулла Эгамназар,
Дада,
Оқсин газаллар,
Маснавийлар сувда куйсин,
Дарё-да қонсин!
Шоир зоти маърифатга етишса магар,
Шунда шундоқ...
Шаъни ила шеъридан тонсин!
Атторими,
Дантесими,
Бедилими,
Оҳ,
Ҳақиқатга талпинганча кезаркан дунё,
Асл Шоир эканлигин англатар Оллоҳ,
Ўзал сажъни этган Ўздан
Ўзи-ку бунёд?!
... Тагин дилда эркин қушлар очдилар бола,
Қайрилиб изимга боқмам,
Алар сирларим!
Олам аслан дафтарларга сигмаган вола,
Ҳақошно шоирлар,
Билдим,
Асл пирларим!

1988, 2001



ТУРКИСТОН МИНОРАДАРИ

Хивами, Бухоро, Вобкент ёки Самарқанд,
Тагин билган-билмаганим маъволарда ё,
Самолар дилига ташлаб минг йилларча банд,
Мағрур тикиласиз, пойда чарх урар дунё.

Уста боболарим меҳри йўғрилмиш хилқат,
Азал мақомига интиқ зийнат, азон ҳам.
Бир дарахтким, япроқлари айни ҳақиқат,
Тукилмаклик оламида ётдир хазон ҳам.

Заминдан то кунгирага инжалаб бориб,
Йиллар нозиклашган дилдай инжиқ ҳам танги,
Масжидингиз меҳробида Тилаклар ёри,
Минг йилларни яшартиргай қуръоний мантиқ.

Сомонийлар, салжуқийлар, қорахонийлар,
Ўтаверди темурийлар, шайбонийлардек,
Тахтсиз қолди мангитийлар гўё жонийлар,
Мовароуннаҳр, омон қолди миноралар лек.

Синоат йўқ, сир-да бунда анлагил, дилим,
Сунг оятдир миноралар кунгилларга хос.
Мен ўтаман, шундоқ, ўтар бир куни элим,
Бу дунёдан ўтмас асло азон ҳам ихлос.

Ана, боқил, аждодлари тўпга тутганди,
Авлодлари термулади минорага лол.
Аждодлари қуламагин юз йил кутганди,
Авлодлари ҳикматига бугунчи даллол.

Шундоқ асли, шафқатсиздир қаҳҳорий мантиқ,
Ечимлари бир гаройиб, юксакдир гоёт.

Минораи Калон, дустим, бирров айтсанг-чи,
Сени яратмишдир қайси субҳоний оят?

Қай осий бандани ташлаб, жаноби амир,
Улимни укситмоқ шартми эди азалдан?
Тоҷ-тахт нелигига дунё топмасдан таъбир,
Сизни-да қолдирди бир кун тарихий галдан.

Саҳродан ранг олмиш шаҳар, атарлар шариф,
Муқаддас деб таъриф бермиш бир шоир ҳам, дод.
Муқаддас тупроқ узи йуқ, эй дусти зариф,
Келгач тилакларга Ўзи «фа ҳувал мурод».*

Работ мақомига дунё етгунга қадар,
Осмон гумбаздек ёлғизлаб қолгунича то,
Унутилгай шодлик, қувонч, ҳасрат ҳам кадар,
Ёлғиз тузгимас фалақдан таралган азон.

Қайдам, бир зинангга оёқ қуёлмам, минор,
Андиша ҳам тазарруъим этакдан тутди.
Туман йиллар бир гиштига булолмай нисор,
Ҳайрат отлиқ пири муршид илқидан тутдим.

Туш кўрдим маҳшарни, руҳим топди лошимни,
Минг йилча изланмиш ечим таъбирин сўрдим.
Тангрим баланд этгач улуғ кунда бошимни,
Дил даштида Минораи Калонни кўрдим:

Пойида эвриларди, оҳ, сўнгсиз тазарруъ.

1992

* Каломуллоҳдан.

АСР ҚАРШИСИДА

Қорачиқларим узлуксиз руй-рост тарихдир,
Қолгани азалдан анча туқиб-бичилган.
Милоддан аввалим энди ошкор булган сир,
Милодим чанқоқ хотирда гуё ичилган.

Нима булди, узи? Нелар менингсиз кечди?
Кимга мансуб лаънат айлар умримни нишон?
Милоддан аввалим хотир қаърида ҳечдир,
Милодим кетди дарбадар унда-да, ишон.

Кунгил тарбият айламоқ боқий машгулот,
На насаб, на сулуқ, гуё ёлгон давоми.
Ана, милоддан аввалим ялангдир ҳайҳот,
Милодим дилдан тариқат истар тамоми.

Қарашлар, далиллар, исбот... Шаддоод барчаси,
Зарур бир хулоса маккор, бунча айёра-а?
Ватан, ўзингсан милоддан аввал парчаси,
Кимнинг милодисан, айтгил, она-сайёра?

Эгасиз, тасдиқсиз мулкка дунмиш хотира,
Инсон — зарралардан мулкин жамлаган зарра.
Милоддан аввали йўқлаб қуймайди сира,
Милоди ёлғизлик истар минг, милён карра.

Теграм узра гувранади миқдор-да рақам,
Курсаткичлар боргоҳида ақлим қолар лол.
Милоддан аввалгилари тахмин булса ҳам,
Милодимда кечганидан бир қадар ҳалол.

Қайда ҳикмат, қани мантиқ? Рақам бариси,
Излай-излай топганим-да миқдор булди, рост.

Фалон милён ёлгизлик-ку ундан нариси,
Фалон миллиардча тарихдир милод ҳам, холос.

Бошмия бошдамас, асли товонда муқим,
Ниятлар заминни судраб борадир аста.
Тентирамагил, милоддан аввалнинг юқи,
Остонада турса Тақдир ошиқ ҳам хаста.

Бир газал шивирлар қирда, радифи шамол,
Ҳижолар куксидан силқир ҳижосиз сойлар.
Сен-ку милоддан аввалим эдинг, ойжамол,
Эврилди милодга ҳижрон забтидан ойлар.

Кенгликларда шувоқ иси, кукда буз булут,
Олис манзил зикрини-да куйлайди насим.
Соғинчларим милодида сақлагач сукут,
Ўртанишлар аввалига етмади сасим.

Инон, айбситмагил, дилим келди инониб,
Ниятдир, хаёлдир одам суянган тоғи.
Минг тўққиз юз олтмиш учдан буёни
Азалий милоднинг узи булмасин тагин?!

2000



* Туғилган йилга ишора.

ПИЁДА ТЕЛБАЛИКЛАР

1

Кечасини жондан севаман ҳамон:
Кун буйи эргашган соянг дам олар,
Руҳнинг улкан ойдин куланкасида.

2

Ҳофиз деган унвон керакмас сенга,
Бирорта нотага имзо чекмассан,
Неларни куйлайсан, ўзи, чигиртка?

3

Болажоним, сендан бахтли одам йўқ,
Дунди юлдузларга, боқ, капалаклар,
Десам ишонмайди энди узга зот!

4

Яратганга ёвуқ йўлайсан тунда,
Ҳам Ўзига шерик бўласан сезмай,
Шоирлик тақлиддай Тангрига мудом!

5

Тобора, тобора тупроққа яқин!
Тобора, тобора яқиндир висол!
Кўнгилнинг энг азиз мулки Тобора!

6

Нега гузал мисра, тиниқ хаёллар
Куройдин юртида тугилар доим?
Куройдин, сенсан-да ёруғ сўз борми?

7

Қалдирғоч, гузалим, бирров ваъда бер,
Милён йиллардан сунг кулбамга қайтиб,
Айтсин кимлигимни авлодларинг, хуп!

8

Ҳар нечук, ҳар нечук: Аёл
Етимқобирганинг «чаласи» эмас!

9

Валийлар, доҳийлар, ҳатто расулар,
Барчаси Ўтмишни туртган-да, тагин
Олис Келажакдан сўзлаган мудом!
Мансубмисан ўзинг Бугунга-чи, Тун?

10


Наҳотки, биргина билим қолади
«Ҳаммасин билмаслик» деган бу йўлда?

11

Оппоқ қоғоз қора тупроқ-да асли!
Шунданми, «қоғозни қораладим» деб
Айтишга айланмас қистасам тилим
Ўзимни қоралаб булгандан сунгра.

12

Зотан, Ўзи шундоқ яратиб азал,
Тагин отса Дўзах мулкига атай,
Демак, Дўзахидир завқли бир макон!



13

Донолар нодонроқ халқлардан чиққан,
Буюк миллатларга насиҳат шартмас!

14

Кимдир турклигини қўмсайди мудом,
Кимдир форслигини билади авло,
Одамият керак, айтинг-чи, кимга?

15

Неча Лайлатулқадр кечди устимдан
Тугён селларида оққанда кўнгил,
Билмасман, билмасман, билмасман ҳануз!

16

Дада, уроқ қайда? Хаёл бездирди!
Беда угирламоқ баридан яхши!

17


Тавба, онам овози ҳам қарибди анча!

18

Ҳазрати Насриддин, хоҷам, айтинг-чи,
Масъул муҳаррирлик қиласизми, а,
Жаҳон тарихини битсам ҳажв ила?

19

Айтмиш дадил бири: «Ҳаёт абадий қолгай!»
Бири эса демиш: «Ҳаёт бир кун тугайди!»
Қай бир «тахминча» патентга лойиқдир, Эгам?



20

Оёқларни сувга солиб ўйнамоқ,
Довучча ўгирлаб карсиллатмоқ ҳам
Эрта бир кун катта бўлмоқни билмай
Чалқанча термулмоқ тиниқ осмонга!

21

Фаришталар жинжилоғи тегиб кетгандай
«Чулп-чулп» тукилади сувга тун буйи ўрик.

22

Отам ариқ тўла сувдан қувонар,
Онам бугдойзорга термулар мамнун.
Одам авлодидан икков қария.

23

Китобларни чанг босибди;
Кутубхона-чи,
Алжираб-валжираб кўзин юмган донолар
Умар Хайём гўрин қазмиш... нашриётидир.

2001




ААДОН ТУТЛАРИГА МАРСИЯ

Сиз энди йўқсиз, дўстларим.
Ўттиз бир йилча,
Далаларда ёлғиз ув-ув йиғлайдир шамол.
Бу дунёда турфа дарахт, гиёҳлар кўрдим,
Афсус-афсус, сизларни-чи,
Топмадим аммо.
Шохларидан ният кетмас лайлақободда
Нимасини йўқотади бир инсон, асли?
Қайтиб келар осмон тонгда мовий бомдодай,
Қайтиб келмас лайлақ, тутлар
Соғинчлар фасли.
Боболарим суяк суриб утган заминда
Момоларим сочларини ўргандек висол,
Лайлақ кетган тупроғимнинг бир чеккасинда
Ёш айланар кўзларимда,
Билмам, бу не ҳол?
Амир Ҳамза,
Шаҳидистон дилбар саййиди,
Саъд ибн Ваққос, нақдингиз тоти абадий.
Олам китобларин боқдим,
Аммо бобомсиз,
Тутлар,
Сизсизин билгимдан кўнглим тўлмади.
Коинотим,
Осмоним-да эди ўр шохлар,
Болалигим изларини сочмасдим ерда.
Қуёш маммасини эмиб,
Дилни қитиқлаб
Тукиларди мевангиз-да уятчан тердай.
Офтоб, замин, шамол, майса,
Ҳам бир беланчак,
Онаси кўкрагин қистаб чинқирар бола.
Лайлақ балхи тутдан эниб келар бошига,

Ўз-уздан тиниб қолар хархаша, вола.
Болакайга термулади гиргиттон лайлак,
Ҳам лайлакка тикилади Болакай ҳайрон.
Кузлари бир гузал қуш қорачиғида
Мунчоқ сутлар гилтиллади ўтгач бир майдон*.
Олам сўнг туғилди.
Нурин топди хотирот,
Бари-бари заковатдан танлади макон
Кечмишлар кечмагини қистанган каби,
Кечмаганлар кечмишини излагансимон.
Ўза оқиб келди тутлар устига бирдан,
Босиб келди далалар шўртаъм тўшига.
Уч-беш юзга кирган тутлар ағнади кузда,
Жой қолмади далалардан мурод қушига.
Кундаларин пулга чақди топқир тадбир ҳам,
Қай бир ўчоқни яшнатди бизим хотирот.
Сўнг ота юрт маъвосини ёлғизлик тутди,
Лайлак абадиян кетди Аллондан, ҳайҳот.
Тушларим-да кетиб қолди тутлар шоҳида,
Тут шоҳида кўрилган туш топмади таъбир.
Юракдан қарсиллаб қулар армон гоҳида,
Алп мисол қулар йўқликка безиккан сабр.
Терак ҳам ўриклар кетди қишлоқдан сўнг-сўнг,
Тантана бошлади манфур, шаккок бир гоё.
Тутлар экилганмиш илм-фан талабига зид,
Ўриклар ташлармиш ўза устига соя.
Ўлик гўдагини кўмди неча ойкелин,
Мадад Ўздан тилашни унутмишда юрт.
Иймон муршидларин гадир новдаларида
Олиб кетгандайин гўё Қосимчиққа** тут.
Битган тариқат асҳоби мисол тентираб,

* Фурсат маъносида.

** Ҳазрати Қосим Шайх Азизон яссавий (тахминан 1504—1579)нинг хонақо-си теварағидаги табаррук мазористон. Жалойир элатидан Аллон қишлоғи аҳли-нинг ҳам қабристон. Қадамжю.



Даҳрий бир ҳаёт забтидан озурда, безиб,
Тутларимиз бошин олиб кетмиш маҳшарга,
Пирларининг тўрт юз йиллик соғинчин сезиб.
Иймон аҳли даргоҳига дориган ёзиқ,
Тутларимиз тақдирида бўлганда такрор,
Хувиллаган далаларга бир ўзи қайтди
Дўстларидан айрилганин сезмаган баҳор.
Қадим ватанида топмай кўнглига макон,
Айтган йуригига юргач кўнгли ўксик эл,
Қайданам тутлари сигсин рўйи заминга
Соҳиблари бахтсираган уша кезлар, э...
Тутлар беш-олти ҳовлида қолишди омон,
Азиз билди эл воқеан аждод ёдгорин.
Шунчаки, олмасин чошгоҳ қийратсанг додлар
Кампиrho тутига чиқсанг солмайди орин.
Билгандайин сингилларин ўтда ёнганин,
Билгандайин жўраларин ютганини ҳуң,
Каттакон бир элда омон қолган муслимлар
Хонақосин кулбаларга кўчирди бутун.
Бухородан ҳам лайлақлар олиб кетди бош,
Далаларда яккатутдан қолмади нишон.
Кафтдай текис шўр даласин ҳар чеккасига
Тут экилди қатор-қатор,
Тут эмасдек, о.
Оммавий аталмиш меҳнат содда унсури,
Ўсади, чопилар, талар пиллачи банда.
Дейлик, бир каллавўш мева тутолмас чошгоҳ,
Юрагинг чўл каби ёниб, куйиб турганда.
Эй дариг, лайлақлар қатор тутга қўнмайди!
Ажаб, тирмизаклар сендан анчагина ёш!
Шохида...
Барин айтишга юрак қўнмайди —
Тушларингга кўкрак тутмас тунлари худо!

1991, 2000

МЕГАПОЛИС

Йил, аслида, анча йиллар сиғишган сана,
Бугун эса туман кунлар жамланган кундир.
Марказий кечмишлар истаб қолганда пана,
Муҳимларин қутқармоққа қайсар тутиндим.

Кийимлар, тақиқлар, турқлар тумани аро
Бармоқ изларини излаб тақдирнинг ғоят,
Бир умр денгизга бормаган содиқ фуқаро
Елкан эканлигим сезиб қолдим, ниҳоят.

Йуллар, ошхоналар, гуллар акварумида
Тутқунга дунганин сезмас шим кийган балиқ,
Панжаралар, белгилар қайнар хумидан
Тасодифий йиллар жушиб чиқмасдан ҳали.

Милён турланган оёқлар чангалзоридан
Кўзларин обқочишга жой тополмаган шер,
Гуё сув ости ўтлари ажиб горидан
Шомга қараб йул солади одамлар ҳам Ер.

Минг йиллар назари билан ёндошар кунга,
Ишдан ҳайдалган ҳикматга топгудек бандлик.
Лутфий ила Навоий-да дуч келмас унга,
Лорка билан енгилтакка тилар хурсандлик.

Қора, мовий, қийиқ, шахло кўзлар холислар,
Ориқ, семиз гавдаларнинг гирдобида бот.
Бу дунёнинг бир чеккаси... яқин олисда
Қучқорлар ҳам ҳўкизларни қийратар ҳаёт.

Барча кечган-кечмаганлар ёришар тулиб,
Тамаддун, муносабатлар топар ўз аксин.
Тузгиб ётар, ҳайла, лойиқ савия булиб,
Турфа ахлатлар маҳаллий, жаҳоний рақси.

Масжид, калисо, бутхона... саҳарлаб тангри
Хонақоҳда ўқир бомдод, чошгоҳда сунгра
Тазарруъ тинглаб насроний кампирдан тагин,
Санамларга таом қўйгач ҳайратда тўнгар.

Қонуният, зарурият... дарвоқе, борми,
Ўз-ўзича мусобақа бошлаган шовқин
Минволиб тезлик кифтига, шиширгач қорнин,
Шом тушганда елдиради яшамак шавқин.

Япониялик акация излаб паспортин
Ўтирмас миршабча талаб қилса ҳам тунда,
Дарахтлиқ дахлсизлигида чалган каби жин,
Қулаб тушар йўлга йиллар емирган кунда.

Мустамлака замониға мансуб каштанвой
Дахлсизлик ҳуқуқларидан чекиниб анча,
Ўй сургани қўймас турсанг қургур, ҳойнаҳой,
Бошинг узра гудаларин мул ёғдирганча.

Музқаймоқлар, дўкончалар, ошхона тагин,
Дастурхондан ортган кунни тергир мусича.
Жаҳон иқтисодин қақраб кетмиш томоғи,
«Бавария» пивосидан буккунча ичар.

Дуркун, сўлгин кўкракларга чирмашар шаҳват,
Севги пойтахтига дўнган тушак гулдиар.
Бировининг пешонасин тер босар фақат,
Жушқин дамда ўзгасининг қорни қулдиар.

Сигмай қолар кулбасига минг бир Донкихот,
Торкучада ҳаёт билан олишмоқ булар.
Сўлаётган баданининг бозори касод,
«Мастонча» юзлари қайноқ ёшларга тўлар.

Кечмиш бўм-буш бутилкага тикилар ҳайрон,
Тақдир шахмат сураб четда букчайиб олиб.
Ажал «орбит» чайнаб кескир тишини қайрар,
Эринмасдан кузатади маҳкумлар ҳолин.

Бирови бир кунча, бири нақд эллик йилча
Қочиб юрар бу оламнинг бир чеккасида
Онасида, тақдир, ўзлик... кимлигин билгач,
Телбалиги ортаверар алам қасдида.

Доно, оқил, ўғри, каззоб... барча кўрар туш,
Ақча, чечак, манзил, аёл... хуллас, аралаш.
Ўзлик ўзсизликдан қайтар саҳарда сархуш,
Ўзсизлик ўзликдан бўлмас айти дамда гаш.

Кошоналар, баланд уйлар, тақдирлар бўйлаб
Анча эрта саёҳатга чиққан қалдирғоч,
Сўнгги бора қалдирғочча гимнини куйлаб,
Жануб сари йўлга тушар уйғонган сўнг ...оч!

Келинчаклар остонани поклаган онда,
Фаррошлар куча юзини сидирган маҳал,
Пешоб ҳам шаҳват исидан ариган тонгда
Ғайб қишлоқларидан оппоқ сут келар ҳар гал.

«Қимматхон» танидан дуркун гўзал гулларни
Анҳорга итқитар, боқар изидан маъюс,
Алам билан чангаллайди чўғдай пулларни,
Нақд ярмини уриб қолмиш Донкихот даъюс.

Кечадан ортган ишларни эслайсан такрор,
Қайтиб келар ақлу идрок, тахмин ҳам сўзинг.
Тагин, атайиндек сўраб оласан бир бор:
«Болам, айт-чи менга, бугун қайси кун, ўзи?»

2000

АЁЛ ВА ДАРЁ

Иккимиз ҳам бир хиргойи гунгиллаб қайтдик,
Чилланишин мусичалар сингари кушод.
Телбаларча елларга-да сирримиз айтдик,
Ул минг битта ёлгонлардан масъуд ҳам обод.

Бошимиз кукка етгани чин булди, сулув!

Жазирама, юлгунлари гул сочиб чугдан,
Янтоқларга илонлари ташлаганда пуст,
Туқайзорда оёқяланг келганча Йуқдан,
Ойгуноҳлар салқинида тутинолдик дуст.

Ана, боқгил, Сомон йули исминг шарҳидир!

Аллақайдан етган мактуб мисоли само,
Бир юртлардан хушхабардек дарё еладир.
Тун бағримга сочларингдек оқадир, аммо,
Сочларингни тўзгоғини ўпгим келадир.

Ой юзингда изи қолмиш, қайдин бу гулув?

Чорбоғлардан кетолмасдан ўриклар бўйи,
Қалдиргоч тушига уммон мавжлари киргай.
Бир жавоб истадинг елкам суянган кўйи:
Қайтмоқ имкони йуқ висол юртидан бирга.

Димоғимда қолиб кетди ўйларинг ҳиди.

Тун, туқайзор, дарё, аёл ҳуркак чўмилар,
Белин қучган тўлқинларда висол овози.
Сунг барчаси оқликларга бирдан кўмилар,
Болаларин суйгилайди дунё-да рози.

Орзуларинг диёрига қайтдинг бошяланг.

Иккимиз ҳам бир хиргойи гунгилаб қайтдик,
Ҳам дунёни унутгандек висолдан буткул.
Тузгоқ сочинг дарё ила овутган пайтда,
Мавжларида оқиб кетди куксимдаги гул.

Изларидан изларингга қарайман аранг.

1990, 2000

ВАҲДОНИЯТ

1

Тортинма, таъна сол, огринмасман ҳеч,
Шажарам аввали Гуноҳдир асли.

Борлиқ мабдаси Нур дея урма лоф,
Зулмат тазодига қадардир йулим.

Ўлим ишончли дўст, ундан кутмасман
Ҳаргиз ёмонлиқни ишонгил, бутам.

Машшотайи қазо ҳар нечук сўзни
Муштазод йулида наволар мудом!

Дунёда қайгу йўқ, ҳасрат бор гартак,
Қолгани шунчаки ҳавола, холос!

2

Абадий Хотира анжуманида
Одамни даврасоз кўрмагунча то,

Қонун, кодекслар илк моддасини
Инсон шарафидан очмагунча то,

Давлат чегараси устунларига
Эркинлик исмини битмагунча то,

Башарга уқталган тиглар учуда
Қушлар бола очиб ётмагунча то,
Исталган ёлгондан тонмагай асло
Одам авлодидан бўлмиш Кунгил ҳам!

3

Унуттирди севги кунлар исмини,
Мосувога дунди кечмакда ойлар.
Юрак деб аталган қадим тупроқда
Висол чечакларин излар хотира.
Ҳиссиёт юксалиб, ўксиди сўзлар,
Вужуд деб аталмиш асрорободда.
Қайдин келиб қайга кетди шамол ҳам
Қунганда елкамга хазонлар такрор?
Кунгил қитъаси ҳур қирғоқларига
Бош урган уммонни изладим сарсон.

4

Юпун қария ҳам жазони кўрди
Невараси дайдиб кетган саҳарда.
Ҳайдовчи жеркиди пулсиз йулчини
Отасининг телба ишлари боис.
Тупроқда алчайиб ётибди, ҳайла,
Тушагин хор этган бадмаст бир аёл.
Тупроқ эмгиси йўқ ҳоргин сийнасин,
Пажмурда жисмига маҳталмас висол.
Нега Ой қаримас, қаримайди Ер,
Дея сўрамоққа ботинмас юрак!

5

Чумолилар кезар саҳардан бетин
Дарахт бош, шаҳобча йўлларида боз.

Онасидан бирпас нарироқ кетиб,
Капалак қувлайди итвачча ҳам шод.

Деворда тарвайиб саволчан мушук
Кузатар гулларни сокин чошгоҳда.

Жисмингга ер тафти майин сингаркан,
Ўриклар тўкилар устингга мамнун.

Барчасин эсламак қасдда эмас, йўқ,
Барин унутмакка яралган хотир!

6

Суюкли аёлинг ҳарир кўйлаги
Яшариб боради ёш ўтган сайин.

Сирдош чорбоғ улуг дарахтлари-чи,
Ниҳолдай туюлар син солиб боқсанг.

Тушларингга қайтар хаёллар каби
Кекса отанг, онанг, болакай ва нон!

Барча, барчасига татийди неъмат,
Багир кенгликларида кўкарса виждон.

Дарвоқе, Замин асл исми ҳам ногоҳ
Кунгил эканидан чўчиб кетасан!

1998

ЭНГ ОЛИС МАНЗИА

Сахро ҳам хаёлдек тиниқ майсазор,
Юргил, гулим, кетайлик.
Чорламоқда абад бедор бир садо,
Бирга-бирга етайлик.

Кенглик истар юрак, дил қумсар байтин
Энди айтсин шувоқлар.
Нозик бармоқларинг тутганим пайти
Тукиладир гуноҳлар.

Тоғлар карвонидан қолган чагатлар
Бодомлари сулувдир.
Эртага топмасмиз, чўчима, ҳатла,
Сой дилида гулувдир.

Улкан қирқоёққа дўниб жизганак,
Майса умрин симирар.
Жилгалар бағримдан тилаб бошпана,
Йулимизда жимирлар.

Сочларин шарҳини уқийди бир-бир
Кенглик, насим, бутакуз.
Теграмизда минг йил сахроланган сир,
Кукда саҳройи юлдуз.

Ким билсин, қайтмасмиз ортимизга, ёр.

1984, 2000



АБДУСАМАД ВА ОЙХОНГА АТАГАНИМ

Довондан нариси гуллар қадим боғ,
Бодом қовоқ дарди энди қўймас соғ.
Жавоб хатин битмай ёр,
Айлаб-айлаб интизор,

Саҳарда келармиш булоқ бошига,
Тушларин айтармиш сирдош тошига,
Битта ўзи билармиш,
Мавжлара тикилармиш.

Довондан бериси гарқ пишди тутлар,
Оламда қолмамиш бағри-да бутлар.
Ёлғиз-ёлғиз ётаман,
Сунгсиз уйга ботаман.

Согинчлар изидан чиқаман йўлга,
Наздимда денгиздай ҳаприққан чўлга.
Бузарганда оппоқ тонг,
Сулим жилмаяр Чўлпон.

Ёр томон имилаб борганман ёлғиз,
Ортимда қолдириб гўё қушдан из,
Кукдан етишиб қанот,
Ердан кукариб сабот!

Довондан нариси битта дўстим бор,
Унинг қувлигини билмайди дилдор.
Пойлай-пойлай чечасин,
Бир кун ярим кечаси

Турволиб панада тутқазар мактуб,
Ўтирмас атайин жавобин кутиб.
Шундоқ, пишиқ бошидан,
Ўзи берсин-да чидам!

Одамлардан аввал туриб саҳарда,
Кўзларига уйқу солса ҳам парда,
Бурканиб олиб пўстин,
Қиз йўлин пойлар дўстим.

Сулим сувбошига келганда дилдор,
Бегона борлигин сезмасдан зинҳор
Аста шивирлар сиррин,
Аҳай, ширин, бир ширин!

Кейин-чи, дардимни солдим синглимга,
Биламан «гуллашин» сирримни кимга!
Гуё қайтгай осмондан,
Баланд тоғлар томондан

Бобом қайтишин кутдим умидвор,
Биз тараф бўлибди, ниҳоят, дилдор!
Ошкора бўлмиш сиррин
Айтмабди бирин-бирин.

Ризо тилашганда эгибди бошин,
Ғамзали чимириб қалдирғоч қошин:
«Айтсин анов «бегона»,
Сурангиз ўзийз, она»,

Дебди-ю қайнимиз чимчиб олибди,
Довондан нариси ҳайрон қолибди:
Ошиқлар лол турган оң,
Бизга синдирмишлар нон.

Ўн турт кунлик ойдаи кирди қўйнимга,
Ғамзалари юкин осдим бўйнимга,
Булди шу кеч Чулпоним,
Кўнглимни кўтарди: «жоним».

«Дўстим» истагандим келиношида,
Бобом кулгу қилди қозон бошида:
«Қўйнинг-да айлаб ойли,
Юртига қайтди тойли!»

1988, 1997

ЎҒИЛ БИБИ

Ўғил биби утгандилар бизим Аллонда,
Тирноқсиз бир кампиршо, элат момоси.
Дадамиз киндигини бир маҳал кесган,
Онамиз ақиқасин олган бағрига босиб.

Бизларни-да йиллардан сўнг бешикка тиқиб,
Қул-оёқ қилган авайлаб, лангни аритган.
Эл-юрт дерди: одамзодни қаритгай йиллар,
Йилларни, Ўғил кампир-чи, ўзи қаритган.

Бурда нонини сағирдан тутмайин дариг,
Кабир кўнглини оларди бегим кунида.
Бўз йигити йироқларга кетган келинчак
«Ачоғи»га кирар эди ҳижрон тунида.

Қишлоқ йулларига хушрўй чиққандин курсак,
Туй исини сезар эдик жумла оламда.
Фалончининг боласига қандоқчин номни
Қўйишини ҳам сўрардик «сочолар» дамда.

Тақсимларди номларни у кунига қараб,
Ҳатто аниқ соатини сўраб оларди.
Ўзин дуо олган элдан билмиш аллонлик
Кампиршо ишига дангал ҳайрон қоларди.

Қадим одат, жоиз тадбир... барча-барчасин
Ёдда тутган «бутун» кампир, ҳаёт қомуси.
Номардлар йўлиққанида талаб қиларди
Дили вайрон бир муштипар шаън ҳам номусин.

Маталлар-да сўзлар эди пахта ситганча,
Қизиқ-қизиқ ҳангома ҳам оғзи қизиса.
Қорақиш кечаларида пинжига кириб,
Топишмоғига «шаҳарлар» берардик роса.

Гапдон кампир, «олов» кампир, айтар эди эл,
Қишлоқдан-чи, бир қадам ҳам чиқмабди нари,
Гуё умрбод юксак тоғлар бағрида яшаб,
Чўққиларга ботинмаган тоғлиқ сингарин.

«Подкоронга боргай эдим, туй айтмадилар,
Қорақошда чақалоққа киндик кесмадим.
Тоғгузардан бешиқбандон хабар келмабди,
Каттабағ тупарга қизин «сотмабди» ҳеч ким.

Аларота булди менга эл кунчиқари,
Қасабадан нари утмай оқарди сочим.
Юрак қисса, томга чиқиб синчи тикилсам,
Отам бўлиб буй курсатар гумбази Қосим.

Ўзи, Аллон назаркарда бир юрт экан-да,
Атрофимиз ҳайҳот-ҳайҳот ёвонлар, қаранг.
Қорёвоннинг у бошидан бу бошига ҳам
Эшмуродбой трактори етади аранг.

Дарёбетда Ҳазратинур, қарайман саҳар,
Қизбийтоғда Аработам сурук боқалла.
Дайравот шамоллари — пирлар нафаси,
Саҳобалар бизни йўқлаб эшик қоқалла.

Қул тегмади, балам, дунё курмоққа сира,
Бир Бухоро элтарсизлар, узим айтарман.
Қосимчиқни тавоф қилиб, қарзимни узиб,
Миркулол бобомни* рози айлаб қайтарман».

Унутгандек момо угит, танбиҳ, нақлини,
Унутгандек берган урик, майиз, ҳалвосин,
Бу ниятин унутдик биз улғайгандан сўнг,
Кампиршо ҳам эслатмади ўша ҳавасин.

Ким Самарқанд, ким Бухоро, Тошкентдан кими,
Кимдир ундан нарироқдан топди ризқини.
Юз қозонли катта қишлоқ болаларининг
Оёғи етмаган юртлар кам-да, ишқилиб.

Момомизни ерга бердик ўн йилча аввал,
Қишлоқдан ташқари чиқди — Кармана томон,
Илк бора Қосим Шайх оёқ учида ётмиш
Аллонлик уруғларимга етгай деб равон.

Бир кам юзида тупроққа топширдик уни,
Дуолари, ибратлари, сўзлари қолди.
Шодлик кунда нур тўкилган хурмо юзлари,
Ғам тунда жавдираган кўзлари қолди.

Қўҳнамасжид недир, ундан эшитган эдик,
Булутдек тут, гужумлар тарихини ҳам.
Хизир ялавоч эл ичида бировдек юриб,
Намоён булмогин кимга ошкор дамбадам.

* Навоий ва Бухоро вилоятларидаги топонимларга, айрим шевага хос сўзларга ҳадеб батафсил изоҳ бериш эҳтиёж сезмадик. *Миркулол* — Саййид Амир Кулол ҳазратлари элда шундан улуғланади. Уғил биби раҳматли 1889—1987 йилларда яшаган донишманд момо кампир эди.

Минг бир ирим, минг бир тақиқ, минг битта одат,
Ҳаёт илми... барин қилиб бўлмас риоят.
Ҳар дарахтни ким қургани-ю, Туркманариқни
Сунгги бора ким бир ўзи қазган, ниҳоят,

Барча аллонликлар номин элаган каби,
У ҳаммасин ёдда тутар эди мустақкам,
Замон билан чиқишолмай Шароф паҳлавон
Уругининг ер юзидан кетганини ҳам.

Хуллас, қишлоқ тарихини, одамларини,
Ўз тақдири, ўз боласи каби тутарди.
Беш маҳали сажжодага тўкиларди боз
Аллон аҳли билмайдиган армони, дарди.

Айтар эди: «Мозоржангал кўрсангиз, балам,
Салом бериб утинг ичда, суякни тепманг.
Баргларидан олов чиқиб турган булса ҳам,
Зардолулар шохларига асло сув сепманг.

Кампирчалар сўкса-сўксин, довучча узинг,
Қарғишлари ўтмас сира, «ўқ» ҳам урмайди.
Йилда бир шохини «тирноқ» синдирмас дарахт
Мевасида, худо айтган, шира турмайди.

Сигирларни оёқлатиб боққан яхши-да,
Юрган билан, бутам, оёқ ҳечам толмайди.
Ётган мол гуштидан таъм қочган баробар,
Юрган инак бирон йил ҳам қисир қолмайди.

Онасидан келманг биров сўкканида ҳам,
Она азиз, ҳар сўкинчининг қайтадир ўчи.
Жондан алам ўтса, майли, ўтириб йигланг,
Олиб берар сизга худо ганимининг кучин».

Момомизнинг даричаси гужумдан эди,
Нақшларига битилганди сатторий хитоб.
Қалампиргул дулаболиш тагида эса
Ёзин-қишин булар эди арабий китоб.

Бир кун чорлатди-да, аввал ширкади сузиб,
Ўтган-қайтганлардан гартак ҳангома қилди:
«Эгамназар катта даданг бир пайт берувди,
Сенга мерос беришим қарз Мирза Бедилди».

«Онажон» деб чақирмади уни фарзанди,
Неваралар бутун Аллон, номимиз бўлди.
Бир қилигин худо суйган банда ҳикматин
Мазмунини англамоқ-да комимиз бўлди.

Иймон, маънавият, охират, ватан, қадрият...
Оғзига сиққанин сўзлар, кўрдим, бемалол
Ҳаромнинг ҳалолдан фарқин билмаганлар-да,
Чин ҳалолдан фарқ қилмоғин тахминий ҳалол.

Куплар энди ҳайрон андоқ маккор замондан
Халқнинг тукис, бағри бутун чиққанига ҳам.
Туркистон устига ётган залворли тоғни
Алломиш-да Барчиной буп йиққанига ҳам.

Азиз тупроқ, шоҳид бўлдим, толеъи ёруғ,
Ҳар гушасин фариштаси, сири булади.
Кухна Аллондан бир қадам нари чиқмасдан
Ўтган момомиз шулардан бири булади.

Куп йил яша, илойим, деб дуолар қилган,
Шояд, шундай бўлгусидир, Ўзи-да, билар?!
Пок шаънини юрагимда қўрс авайлаган
Қизларимга жаннатда ҳам момолик қилар?!

2000

БОҚИЙ ИШТИБОҲ

Қурқанингдек бахтсизликдан, чўчитар бахт ҳам,
Алланелар гудранади дапқир фаросат.
Маъносида юрак сири улгайган бир гам,
Билолмассен саодатми, зил-зил аросат.

Ўнг аталган салтанатни қуриқлар рўё,
Гоҳ рўёга эврулади ўнг отлиқ нима!
Ҳаёт ҳаёт эмас асли, тиргалса рўёб,
Бобо тилдан она тилга нўноқ таржима!

Кенгликларда чечакларни шопирар жавзо,
Қуёш чизганини шарҳлар ўзича шамол.
Келган каби охиратда дўзахи жазо,
Жаннати ҳам жазо бўлса менга, эҳтимол.

Аждодларим давомимас, сунгиман, балки,
Ҳар қадамда, оҳ, Ўзига топдим шериклик.
Гуноҳлардан қочмоқ бўлиб қўзгалсам қалқиб,
Гуноҳлардан эгним бутлар, кошки, тириклик!

Йуқотганим топганимдан мул бўлдими, ё
Ҳар иккисин ҳад-ҳисобин билмасман ўзим!
Фитратим теграсида тузгимиш дунё,
Бир заррангдан қизганмагил, эй сахий, тузим!

Бадавийлик ҳикматларин тутдим этагин,
Манзиллардан манзилларга абадан йўлим.
Бир манзилда ҳаётим битар эртаги,
Бир мақомда давомимга айланар ўлим.

Сажжодадек бепоёндир жаҳоннинг ҳадди,
Чодиримни баланд тикдим шамолларга шод.

Чорлар эди Сулаймоннинг буюк мақсади,
Дил тахтида бу тамани бергумдир бар бод!

Барчаси мосуво, бари... шаробингдан қуй,
Йулларга интизор боқмоқ шахдидан туйдим.
Бағримдан таралар ҳаёт мисли қадим куй,
Тушуниксиз нағмаларин ўзидек суйдим.

Барчаси утади, бари. Ўтмайди нажот,
Гарчанд турса ҳамки жомдек лиммо-лим тўлиб.
... Ё Саъд ибн Ваққос, қирқин авлодни гоят
Йуқлаб келибсиз-да чуғдек анорзор бўлиб.

Теварақда чечакларни шопирар жавзо.

1999

ҲАЙРАТ АИЁРИ

1

Бир ожиз бандамен,
Сузи қисқа,
Армони узун,
Навоий бобонг топмаганин
Қайдин излайин, болам?

2

Замин деган бахтли сайёра,
Ҳам айрилиқ ороли,
Ҳам висол бандаргоҳи
Гуё кечадан бери!

3

Жарқалдиргоч чарх урган тонг денгизига,
Қумрилар чошгоҳ қунган шод сарҳовузга,
Ўнгирдан елаётган хушхон ирмоққа,
Гудагини упаётган дилдор онага
Бунчалик уйгундир, Муҳаббат, исминг?!

4

Хоразм!
Сендан-да бағри кенг сўз борми оламда?

5

Ўтинманг, бобожон,
Ўтинманг мендан,
Ҳассангизни олиб бермам,
Бу нав юмушни,
Ҳайла, айтинг,
Ўтган кунларга!

6

Бари яхшилиқни унутмаса Ул,
Жумла ёмонлиқни, магар, сақласа ёдда,
Тавба,
Фаришталари архивда ходим,
Жанобим Ўзи-чи,
Архивбошими?

7

Асалидан олмоқчидим,
Талаб берди боларилар қув,
Аммо несин қизғанади
Дунё янглиг
Ўжар қовоқариси?

8

Кургуликдан оқибатни изласанг шошиб,
Охиратдан кургуликни кутсанг атайин,
Лавҳулмубийн эканлигин сезмассан тақдир,
Лавҳулмаҳфуз эканлигин билмассан дунё,
Шундоқ!

9

Шаънингга аталган сура мисол
Теран инингдан тошиб,
Ўн еттинчи қаватга не ахтариб чиқдинг,
Устод чумоли?

10

Айрилиқ!
Кечиктириб булмас висол сингари.

11


Дастурхонда бир бурда нон,
Бир қултум шароб,
Бир луқма газак
Ҳам
Бир дунё умид.

12

Гуноҳ ҳам иймондан булмасин тагин?!

13

Ер юзидаги энг узун насаб соҳиби мисол
Қисматини излаб чиқди қулбасидан «У».



14

Аҳай!
Садагаси кетай,
Гиргитгон булай,
Марварид қизим,
Гултожихуросни
Саратон тонгида упган
Кўнглингдан сенинг!

15

Майли, тонгдан ҳижобига чўйканганда ҳам,
Майли, ярим яланғоч кўчада суйканганда ҳам,
Майли, зиндонда сочсиз «уф»лар тотганида ҳам,
Майли, замин узра маст учиб ётганида ҳам,
Майли, бари бир,
Майли, барибир,
Гузал ҳам сирлидир Аёл!

16

Эркисиз бир диёрда кўкармас бахт чечаклари.

17

Олам аввали,
Охири тагин,
Ҳайратдир, ҳайратдир, ҳайратдир, холос!

18

Дамлар елдек утиб борар,
Тинмас ойлар насимлари,

Қайдадир етилмоқда забардаст бұрон,
Кейинги бекат қай ерда,
Сұрагим келар
Капалак тутмоқчи болакайдан боз.

19

Ақл мия ұлчамига мувофиқ, балки?
Жусса ҳайбатига боғлиқмас асло
Кунгил қудрати!

20

Катта бобоси инқилоб тузди;
Бобоси қон кечди жанг майдонида;
Отаси ароқ ичди чарчоқлардан сунг;
Кучага улоқиб кетди, ниҳоят, узи;
Бу болакай кимлар аждоди, Тарих?

21

Эгнига томчи томмас қаландардек
Куринди саҳро ногаҳон.

22

Ўғринча давлатдан,
Ҳаром порадан-чи тикланган масжид,
Меҳроби ҳам қиблага қарамайди, йуқ!

23

Борлиқми,
Сийсат кўзи-ла боқсанг,
Яратганнинг абадий империяси!

24

Рақамлар демократ булар
Бутунлигича.
Сиёсатчига эврулар
Саноқ сонлар мақомида
Барчаси кутилмаганда.

25

Кулбам ҳайбатли эмас, а?
Бузиб қайта қурайнми ё?
Қушнилардан неча қарич юксалиши шарт?
Қанча баланд булсин урикларимдан?
Айтинг, ўзимдан?

26


Яхши ётиб турдингизми,
Ассалому алайкум, эй бани гаврош!

1999

ЎЗЛИК

Сиқилиб кетганда юрагим, жўра,
Ўзимни қўярга тополмасман жой.
Ташна эмасман-у,
Бағримни уртар,
Саҳродан узугин излаётган Ой.
Азизим,
Маъзур тут,
Дардимни ёргум,
Мусоҳиб англадим қалбинг ўзимга.

Манзилки, ажабо,
На келгум, боргум,
Саргардон кўринар кечмиш кўзимга.
Кимман асли, кимман?
Билмасман ҳамон,
Умидвор чопаман мурод йўлида.
Қочқинга айланар етганим ҳамон
Олам уммонида,
Нигоҳ чўлида.
Дарёга етдим мен,
Бутана оғу,
Денгизга термулдим —
Қуриган мадор.
Бўйнимни ажалга тутгандим, ёҳу,
Қисматим юкидан қулаб тушди дор.
Севгига ёлвордим,
Шаҳват ва рағбат,
Висол гулларини эзгилар майлим.
Тунлар қуйганида
Бир коса ният,
Ича билмам, э воҳ,
Кунгил туфайли.
Бир маъво истадим
Озода, дилбар,
Ҳам туйдим илҳақлик гурур ва шаънга.
Не тонг,
Кечмишлардан нур тиласам гар,
Уят соя солгай
Эзилган танга.
Сузлашдим тупроқ-ла,
Айтмади ҳеч ҳам
Шамоллар теграмда куйлаган сирни.
Кун изидан келмиш такрорий бир гам,
Якранг сўнгсизликдан қистар тадбирни.



Излайдирман, нега,
Билмайман ўзим,
Кунглимни ёритса бир дам хотирот,
Қалбим теварақда кўрмаса тузим,
Шунчаки,
Ўзидан тилайман нажот.
Ошиқ бўлмасам-у
Сўз ҳам битмасам,
Дейлик,
Бадавлат чўпондек мамнун утардим.
Кулбамдан йироқда,
Тиниқиб асаб,
Бир келса-чи, дея, улфат, кутардим.
Дашту далаларда кечганча умрим,
Тошлар-ла сўзлашиб ҳикмат тўқирдим.
Бекор қолганимда
Юрагим қўри —
Ошиқлар қиссасин ёлчиб ўқирдим.
Йигирмам,
Ўттизим онам қошида,
Қирққа етганимни кўрарди отам.
Айрилиқ эврулмай
Бир зум бошимдан —
Кечган йилларимга тутмасдим мотам.
Шунчаки,
Элнинг бир аҳлидек яшаб,
Шубҳа билдирмасдим инсон зотига.
Гоҳи нуқсонларим этса томоша,
Сукинч ёғдирардим ёмон отига.
Бошимдан ўргилган ойлар ёдимда,
Кўзимдан сув ичган йил-да
Бетакрор.
Ҳаммага маълум сир:
Қўшиб ичимдан,



Ҳангома айлардим мамнун, бахтиёр.
Болалик дўстларим бўлмасди йироқ,
Қишлоқлик сулувни билганча хотин,
Ўгилларин суюб қизлардан кўпроқ,
Қўярдим барига ошиқлар отин.
Оқ отим буларди, қизбел, олтин ёл,
Адирдан қайтардим хиргойи этиб.
Ҳатто етмишимда бўлмас эдим чол,
Армонда ўтарди ҳассанинг зоти.
Булутдек юрардим,
Бемалол сўзлаб,
Элим-ла давралар қуардим бир соз.
Мулласи дузахдан қолса гар бўзлаб,
Алдаб ичирардим унга ҳам оэ-моз.
«Энг улуг лўъбатбоз Фалақдир, — дердим. —
Билмайман, неча йил ташлайдир қуръа.
Айтмоқчи, акаси, фалон ёш бордим,
Ҳануз ибодатга йўқ менда журъат.
Ўзи бароридан берса-ю, шояд,
Жаннатин чупонга этса гар насиб,
Ҳар бир пайгамбарга бир қўчқор — моя,
Суйиб берар эдим буйнидан босиб».
Айтмоқчи,
Бир умр кенгликда яшаб,
Гийбат, қиёс, ҳасада..
Баридан йироқ,
Бағри кенг ҳаётни айлаб томоша,
Ёлгончи атаб-да
Чекмасдим фироқ.
Отам насиҳатин болаларимга
Ёқса, ёқтирмаса сўзлардим такрор.
Тўғриси, ҳаддим-да сигарди кимга,
Ёлғиз фарзандларга азал ҳаққим бор.
Бири деҳқон бўлса,

Ишини мақтаб,
Толиққан жисмига далда берардим.
Бийдай даласида битса гар пахта,
Набирам ёнида
Мең-да терардим.
Бири таёғимни олса қўлимдан,
Барча қувлик, шумлик, сахро илмини
Ҳам айтиб, курсатиб,
Шипшитиб зимдан,
Билардим таёғим оларин кимнинг.
Кун келиб қарисам,
Кампир ёнимда,
Бухоро ё Хива манзилин тутиб,
Тунгич эварамни суйиб жонимдан,
Курсатиб қайтардим бепоён юртни.
Алланечук, олам кутган даҳшатмас,
Қучқорлар кирарди тушимга шомда.
Шарафли зотларга қилганча ҳавас,
Айблар изламасдим дуч келган номдан.
Бугун-чи, шеър битсам,
Юрак уртанар,
Қисир қолган сўзлар даргоҳи лангдир.
Инсонни изламам,
Инсон — пуртана,
Нафснинг гирдобида дунё гарангдир.
Мунофиқлик илми, оҳ, огир сабоқ,
Хоинлик дастури — бунча мукамал!
Ҳамонки кимлигим англаб етмаёқ,
Ёвузлар тақдирим этмоқчилар ҳал.
Милёнлаб нигоҳдан топмам оройиш,
Йигитлик илмидан ўғлонлар дариг,
Насиб этгани ҳам қўрқинч ва койиш,
Кулбамга қайтаман ҳайрон, мустариг.
Ўзимча маънолар излаб баридан,

Хотира ва китоб титкилайман лол.
Ва тушлар кўраман...
Руё қаъридан
Қалбимга термулар таёқ тутган чол.
Ўв, Барно тентаквой,
Бунда нима бор?
Неларни йўқотдинг дилтанг маъвода?
Йулингга чағатлар қолмишлар хумор,
Қушиқларинг ёди қолмиш ҳавода.
Кимсиз, дейман,
Жавоб бермайди аммо,
Изидан бораман — ҳайбати босар.
Дамлар, саслар мисол вужудсиз сиймо,
Ҳазрати Хизирми... менгзайди роса.
Бораман пайдар-пай, гузал бир армон,
Чиройли ҳисларим
Бирдан қалқади.
Теграмда ёмғирдек ёгилган хазон
Чеҳрасида йироқ бахтлар балқади.
Қўрқувлардан зада қалбим порлагай,
Гудак чоғларимга дўнаман туйқус.
Чол-да кетаверар, сўзсиз чорлагай,
Манзил ҳам танишдай, меникидир у.
Анча юрдик икков.
Сийрак адирлар
Адоқсиз саҳрога бермиш ёнбошни.
Сорбоним тўхтади.
Ётар басирдай,
Аста узди ердан бир улкан тошни.
Қуёш қорайтирган харсанг тагида
Бир эски най —
Англаш мушкул ишорат.
Ширин болакайнинг ҳур эртагидай,
Согинчли ёғдудай тутқичсиз гоят.

Сунгра қарияга эврулдим ўзим,
Чалдим-да синдирдим,
Йигладим қон-қон.
Шу кеча зулмат ҳам топгандай тўзим,
Саҳар эканини унутганди тонг.
Азизим, бир тушким,
Йуқдек таъбири,
Тулиб кетган кўнглим тошларга отдим.
Тақдир уммон эди,
Гунг-ди тақдири,
Мавжларига тошдек бир қалқиб ботдим.
Кўнгил нима, ўзи?
Устимдан қулди
Мени мағлуб этган қувончларим ҳам.
Дардларим кимгадир эрмак туюлди,
Эрмакларим гоҳи
Поёнсиз бир ғам.
Ҳақиқат кўзига қаролмайин тик,
Бўйнимни эггандим —
Қилич занглаган.
Теграмни музлатган муродсиз ҳадик,
Шояд, излаганим, сен эмасдирсан.
Дустларим — мисралар — юрагим қони,
Армонлар забтига албат кўнаман:
Бир куни,
Вужудни енгган ҳамони
Тош бағрида битмиш дилга дўнаман.

1988



БУХОРОДА КУЗГИ САҲАР

Кимса келмай қўйган йўлдек дилўртар ҳолат,
Ҳам интизор остонадек эзгин бир назар.
Ҳам дафъатан борлигингни ҳайратга солар:
Кўнгил мақомин тилайди юрак бемаза!

Нима бўлди? Қайдин, ўзи, бундаин тониш?
Телбаликми, қайсарликми ё эзгу армон?
Энди безиктирган уни одатий ёниш,
Ўз-ўзича кечмишлардан изламас дармон!


Кунлар, ойлар, йиллар сайин тўлишган дунё,
Йиллар, ойлар, кунлар сайин бораркан ўксиб,
Ўзанига сигмай қолган азим бир дарё
Кўнгилдан қизгана кетди бағрим-да кўксим.

Авайладим ҳур жужуқдек ҳар бир севинчим,
Гуноҳларим илкин тутдим умидвор, яъни:
Олам мудом бузмоқ бўлса юрагим тинчин,
Туриб бердим, тиламадим ортиқча маъни.

Хазонларни совурган куз ўзи-да хазон!
Армонларни тирилтирган соғинч қадами
Чечакларни бошлаб келар хотирга томон
Тунларингни тарк этмоқчи қалдирғоч каби.

Очун бўлиб ўксиб боқар маъжос бир маъво,
Шавкат кетмиш, лайлак кетмиш, ибодат шийдам.
Кўнгил бунда тополмасдан ўзича даъво,
Кўзёш соясига тўлди қақраган дийдам.

Дийдорингга талпингандим, барҳаёт гулув,
Рангин манзил қамаштирди соғинч кўзини.



Бош урганда эшигингга юрак бўлди қув,
Ва ўзингдан излай кетди ул ҳам ўзини!

Комрон тақдир тилагандим кечмишлар оша,
Интилишим алағдадан тутгандим дариг,
Теграм узра йулсизликлар қайгадир шошар
Кунларимга қўниб ўтган қушлар сингари.

Қадим шаҳар, қадим висол, навқирон тана,
Қадим саҳар, қадимий тонг, нотаниш дунё.
Соғинчларин унутгандек юрак қувонар,
Унутишни соғинмоқни билмасмикан ё?

Бир минора тиклолмадим — калтамиш қўлим,
Бир мадраса чеколмадим ҳикматга лойиқ.
Армон ифорига тулди умидлар йўли,
Имом бўлди кўнгил, юрак ташна халойиқ.

Юрак билан кўнгил аро бир манзил борки,
Кўрмас гоҳо бир-биридан одамзод ҳам фарқ.
Юрак истамайди дунё, мосуво таркин,
Кўнгил бу қўрқувга айтар ўз-ўзича шарҳ.

Она шаҳар! Момо саҳар! Эй хазон ота!
Ажаб, қайга олиб кетгай, билмам, манов куз!
Бу дунё бир... ўртасида битмайин ётар
«Бир йигит» деб аталмиш бир хонақо ҳануз!

1996



МУҲАББАТ КАБИСАСИ
ЁХУД ЎТТИЗИНЧИ ФЕВРАЛЬ

(«Олам, Муҳаббат, Аёл ва Мен» достонидан)

1

Барин эслашим керакдай,
Инон, барини,
Юракни қутқаришим шартдек
Маъсум доғлардан,
Гуё қанотларим ростлаб,
Шайлаб бағримни,
Бир насим кутгандек даштдан,
Денгизтоғлардан.

Гиёҳлар, бодомлар, тошлар, андак нарида
Сирли манзил ястангандир,
Кўнгили мақоми.
Яралмоқда жуғрофия —
Дил манзилларида
Асрий битикдай барҳаёт,
Муҳаббат, номинг!

Бодомлар урмалаб чағат бағрида дадил,
Қоялардан ошиб
Қўкка талпинган онда,
Тупроқ шеvasида топдим унут бир дардни,
Армон чечаклари унгай қадимий қонда!

Тасавурда ардоқланган арзанда бешик,
Соғинчбеланчақда ётган гўзал гўдаклар,
Ўн-ун беш эди-ёв, кўнгили,
Йуқ эди эши,

Ёгдудан йўгрилган
Оппоқ-ойдин эртақлар.

Хонгул шохларида бешик,
Келарди баҳор
Ёвшан навосига тўлган яйдоқлар оша,
Хаёлнажод жужуқларим йўқлашиб такрор,
Мададкорим бўлмоқчидек теграмга шошар.

Якранг теварақда ёлғиз қолмиш эдим, оҳ,
Якранг одатийлик дилим ўкситган дамлар,
Жужуқларга тақсимлардим,
Истама гувоҳ,
Мунтазам эрмақлар барин бир ерга жамлаб.

Бирига богбонлик насиб, бири-да чўпон,
Кетмон ўзгасига, баттол, ўтди жонимдан!
Енгларида насимлар бор, кўзлари чўлпон,
Қизалоқларим ёпганда, тотгум нонидан!

Ёлғизлигим бирин-бирин сўзлаб берардим,
Кулгимни қистатган сирлар барини тагин.
Қизларимга атаб қучоқ чечак терардим,
Ўкситиб-да қўймасдим ҳеч ўғлонлар багрин.

Тасаввурдан болаларим рўё томонга
Олиб кетди хоин кунлар,
Шу — армон йўли.
Термулиб ётаман ҳануз мовий осмонга,
Гудакларим келадирлар оқ булут бўлиб.

Улар исми ёдимда,
Хотирда ҳаёт,
Муҳаббат, болаларингни яширдинг қайга?
... Қизлигида бир чиройли эди-ку, ҳайҳот,
Муштипар бупқопти бу кеч тикилсам Ойга.

1987



Билмам, қай бир аждодим юксак тоғларда,
 Бедоркүз булоқлар хушнуд салтанатида,
 Онам сочларидек сирли шаршаралар диёрида,
 Чамаси, минг йиллар олдин яшаб ўтгандек,
 Қояларга бош олиб кетгим келаверади.

Сунгақларим куйлар хушхабар насим,
 Юрагим пайпаслар шердил сойлар навоси;
 Жонга тегди бир умр Барнобек бўлмоқ,
 Бағрим ўкситадир водий тангдил ҳавоси,
 Бадга урдинг, севги, Чупонотадек
 Қояларда улоқмаймизми, журажон?

Нон ҳам ёғ иси тутган заҳматкаш маъво,
 Ўриклар такрорларин кафтида тутиб,
 Чарос гуллаганда минг йил аввалги каби;
 Чиройин кўз-кўз қилса ҳамки ой,
 Совчилар адашса Сомончи йўлида мангу;
 Борлиқдан ҳикмат изласа барча,
 Хотирни қайтариқлар қатронласа зил-зил,
 Бағрим қизганганим сездим, қоялар.

Одамлар одамдан одамийликмас, йўқ,
 Навбатдаги муттаҳамни изласа қитмир;
 Инсон ва кишилараро муносабатлар
 Ўргимчакдай чирмайверса ақлни;
 Эркинлик телбалик, телбалик гуноҳ,
 Гуноҳ чорасизлик талқинин топса;
 Хуллас, дунё энди кўҳна работ ҳам эмас,
 Сунгсизликка ҳайҳот очилган
 Маликработ дарвозаси* бўлса-чи?

* Маликчўлдаги қадимий карвонсарой вайронасидан киноя.

Юр, қояларга кетамиз, юрак!

Чулдир-чулдир тўкилади юракдан дардлар,
Милтир-милтир уйғонади суюкли армон;
У ёқда фақат абадий ягона фасл муназзам,
Ҳатто, дарахтларга ёт хазонрезги-да;
Юракдан мартабасин қилмайсан тамаъ,
Кўнгилдан кўнгил сўрамайсан атайин.

Жонга теккай мудом ўзингча бўлмоқ!

Кетамиз, наъматакка дўнамиз етгач,
Эркин-эркин шамолларга очамиз бағир;
Қизиққон шоирнинг байти сингари
Қисматимиз англаб етмас бу азим дунё:

Барнобек уйда йўқ, йўқлаб турсангиз,
Миллион йилдан сўнг албат қайтади.

1988

3

Боғдагуллар* сиймин жисмингда порлар,
Билмоқни истамассан, ёр.
Овозингда нозбуй* иси, ифорлаб
Келмоқни истамассан, ёр.

Рухсорингда толеъ нақши жаранглар,
Дилни, гулим, тутма дариг, а.
Сочинг маъвосида анвойи ранглар,
Ошиқ кўнгил излар тариқат.

Кипригингда дилбар шиква, суюнчи,
Юрак эркин-эркин қуш бўлди.
Армоним, ниятим, шодлиқ, куюнчим,
Кечмишларим сўнгсиз туш бўлди.

* Атиргул ва райҳоннинг шевада аталиши.

Қалдиргочдан азал меросмиш қошлар,
Юрак қучди покиза ташбиҳ.
Висолга инчасин қурмоқдан бошлаб,
Кунглим дея ўгирар тасбиҳ.

Устимиздан ўтди ойлар, қушлар-да,
Ғамзаларин сочқилар висол.
Даргоҳингда шоддир юрак, бир қара,
Кулча теккан бир гўдак мисол.

Боғдагуллар порлар дилбар исмингда.

1985

4

Ҳалимага мактуб битдим,
Ўн тўрт ёшимда,
Катта тол кўланкасида.

Бинойидек!

Нозигулдан бир муччи олдим,
Бир дўппи урик бериб,
Ўн олтимда
Бужир урик соясида,
Аҳай, дуст!

Юзимни юлди!

Маликага ваъда бердим,
Улкан гужум соясида,
«Кутсанг, совчи юбораман»,
Дея ёлгондакам.

Ишонди бечорагина!

Ҳатто узим ҳам!

Ўн еттидан сўнгра...
Дарахлардан,
Қизлардан ҳам йироқлашдим
Йигирма тўртимга қадар.

Бўлмади!

Дарвоқе, суюклиларим
Мендан олдин Суздан тонишди.


Аламдан бари!

Хотинни-ку,
Қуриб қолдим
Улкан чинор тагида
Музқаймоқ еб турганида.
Бунисини-да
«Бир ёстиқ» қа кўндирган бўлдим, ниҳоят,
Бир ҳовуч тут билан ўзимча.

Қунақолди қўргур,
Қулидан нима ҳам келарди ўзга!

Худойим,
Ҳеч бирисин олдин ўлдирма.
Майлига, ҳатлаб утишсин устимдан
Узилган куним.
Майлига, дунёдаги энг расво кимса кетди
Дейишсин баралла.

Кўнглим тинч ётсин-да Маҳшаргача то!



Тангри, жўра,
Суюклиларим,
Мен ва дийдоринг оралигида
Ҳеч бўлмаса ўрик соясидан
Бир парда тортгинки...

Токи аҳли дўзах,
Аҳли жаннат-да кўрмасин асло,
Оламдан бекитиқча,
Ўзларича,
Менсиз,
Мени йўқлаб,
Чулпон кўзларидан тўкмиш,
Нима эди,
Дарвоқе,
Кавсарларини.

2000

Б

Юрак қушлар потирлаган унут горча бор,
Айрилиқ ҳам ёмғир исин куйлайди насим.
Машриқда қолган дилимни инжитдинг-да, ёр,
Магрибга кетган исмингга тортди ҳавасим.

Ер юзини тўр мисоли чирмаган йўллар
Қиргогида ўтга бердим, ҳижрон ёнмади.
Тотли қисмат сунбул сочинг силамиш қўллар
Ҳувиллайди, феълидан-да дунё тонмади.

Нон иси анқиган танинг бағримдан йироқ,
Сутга чайилган борлигинг манзил, далам-ди.
Фалак даргоҳида туғин тикмишдир фиरोқ,
Ўтмаган кун ўтганидан баттар аламдир.

Қоронгу бог, ёмгир ёгар, теранлаб хаёл,
Бегим дамлар шукуҳини қумсайди бир-бир.
Остонамга юкунади эгни шалаббо
Дарахтлар адашиб қолган карвон сингари.

Ерпарчин чечаклар, бирдан оқарар йўлак,
Қоялардек юсак шохлар узра сизилиб
Томчилар бир-бирин хушбўй тупроқни бўйлар,
Бутана оқимга далли, дилгир тизилиб.

Олам тозараркан, борар тиниқиб кеча,
Юлдузлар яралди қайта, юксалмиш осмон.
Тупроқ зулматини ёриб масъуд бойчечак,
Қуёшга талпинар қирда бўзарганда тонг.

Туним бедор кечди, сўнгга етмади ўйлар,
Адашиб кетдим алағда тўқайида бот.
Манзиллар турини узиб артилган йўлак,
Қайгадир чорлайди дилим бойчечак ҳаёт.

Теварақда висол савтин чулдираб қушлар
Бошингда айланиб учгай соғинчдек қушод.
Шимолда қолган жисмингни йўқлайди тушлар,
Жанубга кетган висолни қизганар дунё.

1985, 2000

6

Сен-да кетдинг Ой билан бирга,
Қолди гуноҳлар.
Теграм бердим инжиқ бир сирга,
Йўқмиш гувоҳлар.

Изларингдан эргашди боғлар,
Гуллар-да кетди.
Йулга тушди нофармон тоғлар,
Ёлғизлик етди.

Дарёлари йироқлаб замин
Сахрога дунди.
Дили ўксик дунёнинг ками
Бағримга қунди.

Йуқотганим барин билмадим,
Қолганин чунон.
Ваҳиманинг ошганда ҳадди,
Ўртади гумон.

Изтиробдан кечмаса киши,
Дилга етмасмиш.
Ботар дилга айрилиқ ниши,
Ўлсанг кетмасмиш.

Сен-да кетдинг Ой билан бирга,
Сенсизлик йўли,
Оҳ, туташди тайпоқ тақдирга
Менсизлик булиб.

1988, 2000

АБАДИЯТ

Ўргилар теграмда ҳамон бир қилич ҳалақ,
Муаллақ ечим-да дилга қунолмай сарсон.
Билмай нима туғмоғини саргардон фалақ,
Гоҳида юксакка боқдим ўзимча ҳайрон.

Эътиқод, инонмам, метин занжирсан зил-зил,
Бераҳм ганимсан-ку, ишонч, қоч йўлимдан, қоч.
Тақдирми? Манглайга битган киноя, ҳазил,
Ичичимдан кула-кула оқарди-я соч!

Шартларинг-да, азим дунё, ўзингга насиб,
Қанотларин топиб олган озод қушдирман.
Борлигимни ўртамайди ҳижрон қиссаси,
Ўз-ўзига таъбир айтмиш сўнгсиз тушдирман!

Толеъ магар мутелик ҳам сомеълик бўлса,
Бундай бахтдан воз кечмогим муқаррар маним.
Келинг, фалак дийдаси ҳам газабга тўлса,
Айтингиз, боринг, эшитса, ул менга ганим!

Қасдим ёмон, ҳикматларга уқийман майдон,
Бу даҳмадан ёғду топ деб қистайман дилни.
Гоҳ аламин олмоқ бўлиб келгинди майдан,
Душман утига товлайман бир парча тилни.

Этагига қул юбордим, хун бўлди чангал,
Сунг итарди кўкрагимдан мақсад ҳам ният.
Ўзлигимни билмоқ бўлиб шайлансам дангал,
Зидлигимни сигдиролмас боқий зиддият.

Кимларнингдир гуноҳини менга юкласа,
Жазоимни ё кимгадир кўрса гар раво,
Қайтарсан деб ичолмасман шунчаки қасам,
Такрор занжирига боғлиқ итравиш дунё!

Тегранг узра, дўсти азиз, тикма панжара,
Остонангга бормайдирман, чўчима, гани!
Озод-озод кўчгайдирман юксакка қараб,
Осилмайдир қанотимга бу дунё маним.

Аллақачон қутқулардан қолғанман дариг,
Тан мулкидан ҳиссам йуқдир, кунгил ҳодидир.
Жоним синглим, ранги руйинг айламиш сариғ,
Ният эмас, дунё отлиғ қадим жодидир!

Куз унгимда емрилганин кўрдим қоялар,
Ҳатто қўлларига ўзи кишан солганни.
Инсонлармас, кечиб борар мавҳум соялар,
Бузлаб борар тасдигига етолмас маъни.

Ҳаёт гузал, ҳаёт ширин, эй кунгил, бироқ,
Тинчитмайди фалак ҳукмин билмагунча то.
Билганимдек қаттиқмас ер, осмон-да йироқ,
Теграм узра тўлғанади бир қилич аммо.

Барчасидан кечиб етдим, сўнгсиз ойдинлик,
Борлигимда, дил мулкида, бир аён кўрдим.
Қисмат қилич солса ҳамки тақдиримга тик,
Ойдинликни бурдалашга келмагай бурди.


Учадир ҳамон теграмда бир қилич ҳалак.

1989, 2000

ЛАҲЗАНАВИСЛИК

1

Бухоро,
Самарқанд,
Тошкент,
Ҳаттоки Макка
Ягона нусхада битилган китобдир асли!



2

Одам алайҳиссалом,
Сиз қандоқ яшаб ўтганингизни,
Билмаса-да, эсламаса-да,
Нега,
Ҳазратим,
«Одамдек яшагиси келаверар» кишининг?

3

Вақт, нафақат қарашлар,
Ҳислар, хотиралар, барча-барчасин,
Тонгласи англадим,
Таҳрир қилиб юраркан менсиз
Анчадан бери-чи ҳатто ўзлим.

4

Барибир,
Шунчаки,
Шайх Санъонга тўнғиз боқтирган
Рум гузали
Аёл тарихидаги энг бахтли дилбар.

5

Дилбарим, дилўғрим,
Ойюзлим, сулувим,
Офтобим, мусиқам,
Хотинжон... оббо онагар,
Ким топган, а, бундай бемаъни сўзни?

6

Ажабо,
Тақдир ҳам пешона дегани,
Ҳаммага тушунарли,
Аммо ўзимга тушунуксиз
Қўлзмадан йиртилган варақ!

7

Катта ариқ, паҳмоқ тол,
Лойқа сув, қотган нон,
Болакайлар эркин қийқиригидан
Ширин ҳам хушбўйроқ жанр йуқ
Саратон оғзаки ижоди деган оламда.

8

Кимдир азалдан ургатиб кетган,
Ёки тузиб берган махсус бир дастур:
Бай-бай,
Қамишзорда бақавой бошлар нағмасин,
Суфада-чи, рақсга тушар қурбақaxon шод.

9

Алла,
Фақат оналарга ваҳий этилган
Учи топилмас бир
Илоҳий оятлар силсиласидир!

10

Худойимнинг бағри кенг-да, ўзиям,
Менимча, дейишга ҳаддим сигмайди,
Улуғ маҳшар саодатин ҳам

Аёл кунгли боис яратган
Азалда Эгам!

11

Гудагига кукрак тутиб жилмайган,
Ошигидан мактуб олиб йиглаган,
Эллик яшар ўгли юзига пинҳон термулган
Биргина аёл қолгунча замин юзида
Қиёмат қойимга келмайди асло!

12

Излай-излай топганларимдан
Излай-излай йўқотганларим
Нега бу қадар азиз?

13

Йил ҳам беш фаслдан,
Борлиқ ҳам беш унсурдан иборат асли
Кунглинга азиз сўзни айтиб ахтарсанг!

14

Ташбиҳлар ҳам бора-бора хотирдан кетар,
Ҳасса тутар ўлмас отлиг дostonлар ҳатто,
Аммо бир мартабага етолмас ҳеч ким
Минглаб дostonларни ўтга отган ғамзали Аёл
Иймон тупроғига сочилган гулдир, чечакдир!

15

Устимизга қанча-қанча савол ҳам ёғди,
Тун бўйи, тун бўйи ёмгирдан сўнгра.

16

Одамлар бир-бирига отмасин, етар,
Маломат тошларин кўмиб ташла, қор!

17

Саратон чилласида
Бир олма дарёда қалқина-қалқина оқар,
Халал бергинг келмас!

18

Қадрим қолмаса ҳам,
Лайқатулқадрларим бор-ку ҳали, биродар!

2000

МАСТОНА

Кипригида эригиси келмас момиқ қор,
Анбарланар ёноқлари совуқдан чим-чим.
Бир оқшомим баҳам кўриб,
Шамшодқад дилдор,
Танишдик-да,
Йулга тушдик гулбозорга,
Жим.
Новдаларга ҳуркак қўниб учқунлар мўл-мўл,
Юксалмишдек дов-дарахтлар урён жуссаси.
Болакайлар қийқириги,
Ёлғизоёқ йул,
Қор остида қолиб кетди кечмишлар саси!
Куз сўнгида

Сўлимлашиб борлиги чандон,
Хазон боғда,
Яшиликлар кетган дунёда
Изтиробим эрмак қилди кулганча хандон,
Куйлар бошлар овозида хушоҳанг бода!
Жиддий, тажанг қиёфалар,
Тошбағир ҳаёт,
Елкаларни эзгилайди ташвишлар юки.
Муҳаббатни эсламоққа гуё йўқ сабот,
Ҳайқириқлар хотирангда уйнайди сукут.
Дилбар ҳислар,
Кечмишларни бир четга суриб,
Туйғулардан чўчий бошлар киши гоҳида.
Сўник такрорлар изидан шунчаки юриб,
Кўнгилни кўрдим ниҳоят азоб чоҳида.
Гуноҳ қилмоққа-да маврид...
Излаб телбавор,
Қор иси чорлаган тонгдан исёнга ботдим.
Висол гулларини танлаб,
Қизитдим бозор,
Бахт, тақдир деганни, мана,
Шу... гулга сотдим.
Яйраб кулди сулув,
Билмам, не дейин яна?
Бош олиб кетолмам, афсус, кечмишдан ҳечам.
Фақат манови қор...
Ёлғиз гуноҳ бошпана,
Адашиб кетганинг бирров билдирмас кеча!
Сочин силкитди-да,
Дадил тутди қўлимдан,
Шукуҳдан порлади аёл ойдай чеҳраси.
Айланиб қор тушар экан ўнгу сўлимдан,
Чуқур хўрсинди у бошин кўксимга босиб.
Ҳаёт-да, ўзимча,

Анча ақча сұрар ё,
Бошқа бир баҳона тўқир... уйласам дангал,
Судраб кетди бир чеккага қўлимдан аёл,
Булиқ қорга отди узин кутилмаганда.
Ағнаб укради бахтсиз қуш эканин айтиб,
Сигдиролма қолган эди дунё-да танин.
Кетгудек болалик,
Нурлар севинчга қайтиб,
Аmmo иложи йўқ энди,
Қани, йўл қани?
Азот кутардим-да,
Гир-гир айлангирдим боз,
Қушилиб йиқилдим қорга,
Кузёшин ютдим.
Боягина хандон-хандон қийқирган овоз
Майин-майин эшилишин қитмирча кутдим.
Сулувлигин айтдим,
Айтдим зерикканин ҳам,
Ёлгон ҳам ростлардан излаб кўнглига далда.
Айтдим дунё эканлигин битмас ҳасрат-гам,
Аёл эркакка дўстлигин айни маҳалда.
Қобогидан упдим тўйиб,
Белидан қучиб,
Кулбага судрадим,
Совуқ қотганди дилдор.
Ҳали ҳам теграда гўзал айлана учиб
Йўлимизга тушар эди телба қилган қор.
Жуда эрта кетиб қопти
Мен уйғонмасдан,
Узоқ ётдим,
Болаликдан қолган бир одат.
Олам оппоқ эди,
Олам уйғоқ нафасдай,
Ойдинликка ботинмайди қарашга одам.


Дастурхоннинг бир четида калит, сарёғ, нон,
Қайноқ чойнак тагида-чи икки энлик хат.
«Яхши қол! Қўйлагинг ювдим, топарсан осон,
Қуримаси кийиб кетма, илтимос, фақат».

1988

ЧЎПОНЗОДАНИНГ ҚИРҚ БИР ЁЛҒОНИ

Эшагимга ҳарф ўргатдим,
Шаъним сотиб ҳажвия ёзди,
Кучугимга маслаҳат очдим-да,
Бир қўтон қурдим.
Тулкилардан ортган сўнгак тўсинларимни
Ўғирлагич чумчуқбекни қўйнимга урдим.
Шувоқлардан болорларни эринмай кесиб,
Зур арава ясадим сўнг,
Чуралаги йўқ!
Тадоригим кўрган чумчуқ
Шохини тутди,
Миниб олиб, икковимиз йўл тушдик:
Лук-лук!
Изимиздан йўл талпинди,
Эргашди қирлар,
Қайтинг десам бириси ҳам тутмайди қулоқ!
Уловимдан тушмай туриб таёқ отгандим,
Униб чиқди катта гужум,
Ойдин бир булоқ!
Дарахт тубига ётдим-да теварак боқдим,
Сўнг чумчугим бир чўқалаб ютди,
Дунё-да бир кам!
Қочиб кетаётган булоқ думидан ушлаб,
Куллукладим:
Битта пири муршид даркор менга ҳам!

Булоқ эмас,
Аждарҳодир,
Тожи оқарган,
Тиши энди тоза чиқмиш:
Санадим бир-бир!
Ўзимникидан ўттиз икки донага кам-у,
Чумчуқникидан ўттиз икки тиш зиёд-кан,
Тақир!
Шартга ақл тишин сугирдим,
Аяб утирмай,
Чумчуқ,
Аждар,
Чупон булдик бинойи карвон!
Бошидан кейнига қарасам адоги йўқдек,
Кейнидан бошига..
Араз қарайди чунон!
Онам ҳафтшанба кун туққанми,
Тавба,
Бир зулфизар йўлиқди-ку йўлимда ноҳос!
Чумчугимни сўйиб бериб зиёфат тортидим,
Аждаримни гажагига илдирдим паққос!
Совчиликка қўчқоримни жўнатай десам,
Серкам айтди: кайвонилик келар қўлимдан!
Соқолимдан бир чимилдиқ тикмоқ бўлувдим,
Тўйхўрларим чиқиб келди унгу сўлимдан.
«Ҳаммамизга биттадан тўн бермасанг, чўпон,
Маъракангни бузамиз-да!»
Ўшқирар бўри,
«Биздан олган қарзларингни эвазига-чи,
Келинни ҳам обкетамиз,
Қурийди шўринг!»
Тушмагури бало экан келин деганнинг,
Қўйнимга қўлин солди-да тўнларни топди!
Этагидан гала қизни маърака солиб:



«Домод танланг!» дея туйхур кунглини топди.
Лиқинг-лиқинг Самарқанд ё
Бухоро бордик,
Қайнанамиз ёлгон деди:
«Мундай қизим йўқ!»
Қайнатамиз,
Нима бало, эски чўпонми,
Кузин қисиб шипшиб қўйди:
«Кунглинг бўлсин туқ!»
Қуйнига қулим юборсам,
Аҳай, олмазор,
Анорзор десам гар,
Ошно, маҳтал бўласиз!
Шакар лабин тусмол-тусмол топган ҳам эдим,
Бир иш бўлди,
Айтсам, жўра, ётиб куласиз!
Чумчуққинам жонгинамга кирмаса аро,
Чинларимни сизга сўзлаб беролмасдим, э.
Ҳаҳ, зумраша,
Нима бунча қулоқларинг динг,
Катталар гапин эшитмай, баррачадан е.
«Боважоним, бир ёлгон кам айтдингиз бу гал!»
Қиҳқиҳлайди, эркалайди, қулогим товлаб:
«Бир кунгина чўпончилик қилсайди чумчуқ,
Қайтгай эдим шу тушимдан «бибича» овлаб!»

2000



ХОТИРОТ РАНГЛАРИ

1

Тунда ёмгир ёғиб ўтган гўшадан
Олхўри гулларин иси адашиб
Манзилга чиқмоқчи дил билан бирга.

2

Қирларда сийрак қор, силжийди сурув,
Сайҳонларда селлар изи тирилмиш.
Эрта-индин келгай оламга куклам.

3

Тун буйи тукилди ёнгоқ эринмай.
Тун буйи ухламай чиқди қалдирғоч.
Олиб кетгай мезон дилни жанубга.

4

Мезонлар-да қушлар изидан кетмоқчи.
Киндигига шира тошди осмонда Ойнинг.
Бир кундан кейинчи келади қиш ҳам.

5

Жураларим қумсаб тушаман йўлга.
Ё тавба, бизникидай тиши тушибди
Туқайда айтилган латифаларнинг.

6

Капалаклар гуллар билан сирлашгай,
Бутоқлардан шудринг кетмоқчи эмас.
Абадан яшагинг келади бирдан.

7

Гуллари кўпирган ойдин ўриклар
Деразасин тўсмиш нотаниш уйни:
Гуё бунда яшар Ҳамид Олимжон.

8

Рост-да, масалан-чи, болалик йўлин
Анвойи чечаклар қоплаган десам,
Кўнгли қолмасмикан янтоқларни, а?

9

Балхи тут, беланчақда ойдаи қизалоқ,
Болабўй кўрпачада мудрар ойкелин.
Кўкраги ийиб кетар тутни чошгоҳда.

10

Қовунлар гуллабди катта пайкалда,
Гуллабди тўқайда юлгунлар чўгдай,
Қирда бошоқ санаб толди саратон.

11

Салласига қўнган хазонрезгини
Уйга қайтгунича пайқамади чол.
Кампири чорлатди тонгда тўнгичин.

12

Саҳрода ҳам ҳаёт қонуни собит:
Йўлиқмасин асло, шояд, йўлиқса,
Оёгинг остидан чиқмас фалокат.

13

Мезонда сув совиб азалдагидек,
Осмонга сапчиди адашиб чошгоҳ
Совқотишга кўнмай шаддоод балиқлар.

14

Шовулар қамишзор кузак шомида.
Нофармон самода учар бир юлдуз.
Заминга тўкилди тагин бир соғинч.

15

Ўрик шохларини эгмиш оппоқ қор
Тиниқ гунчаларга айлангунча то
Қуёш дилдирайди қамишпояда.

16

Тиззадан келмайди энди дарё ҳам.
Таниш шарқироғи тинган тошлоққа
Чузилсанг-да оқсанг коинот сари.


17

Шохларда муаллақ ёнмиш томчилар.
Ширчой сузди онам саҳар бир коса,
Туширма хасингдан, қалдирғоч дўстим!

18

Сенсизин йигладим саҳро йўлида.
Уялиб-да кетдим ўзимдан, гулим.
Кўзёшларим тешиб ўтди заминни.

1990



ДАЙРАВОТДА КУЗАК

Жануб сарига чорлайди инжа мезонлар,
Бошдан-оёқ саргайганда тўқай, қамишқул.
Ажриқзорда кучаётган бўзранг ҳовурдан
Аста чиқиб келар чошгоҳ ёлгизоёқ йул.

Хуржунлари қовун тўла ёвқур жўралар,
Қамишзор ҳам юлгунзорлар... беради додин.
Юксалётган қуёшга-да чулганиб борар
Ловуллаган қиёқлар жўшқин фарёди.


Ангиллайди чиябўри тутун аро оч,
Куйган чакалақда емиш изларди дайди.
Оёқлари ўтда куйган қовунхўр тулки
Уясидан чиқолмайин... мил-мил йиглайди.

Асқартоғлар саси келмай дарё мавжидан,
Зилол суви гўё оқмас кун огган пайти,
Дилдор-дилдор гужиллашиб жарқалдиргочлар,
Сен кўрмаган диёрларга кетмоқчи қайтиб.

Қора булут денгизида дарбадар чақмоқ
Адирларга томир ташлар телбавор ҳунграб.
Хазонлар устига ёғар шомда оқ ёмғир,
Пода изин томчигулар қоплайди сўнгра.

Тайрила-тайрила қайтгач қўтон, чайлага,
Пустинга шўмғийсан, тотли сесканар танинг.
Қолиб кетар хуржунингда янтоқи тарвуз,
Бир бош сабзи, шамолларда тош қотган нонинг.

1984



ПАРОКАНДА УМИДЛАР

1

Муҳаббат чечаклари унган гўзал маъволар,
Барчаси умиддан, ишонгил, гариброқ асли.

2

Адолат ҳам озодлик меҳри одатан
Ғанимни севмоққа кўндирди инсон боласин,
Иста-истамагил, топа олмассан
Кўнгил тарихида бундан мукамал билим.

3


Ўтган қурбонлиқлар, жонлиқ ҳаёт мазмуни
Ўзи билан бирга сўйилгани туфайли, боқгил,
Майсаларга бурканган замин устига ёғар
Инсон шарифлигин куйлаб оппоқ... Каъба ҳам.

4

Нозик қўлларингни тортма кўксимдан, гулим,
Менга қадар кечмиш ошиқлар кўмилган дарди,
Ким билсин, биздан кейинги ошиқлар ишқи
Қанотин силайдир ҳаёт иси томган бармоқлар.

5

Ер юзидаги охири жазо ҳукми ўтаб бўлинган,
Сўнгги мазлум халқлар озодлик эркига етган,
Ҳудуд, манфаат даъволаридан буткул кечилган
Кўнлардан бир куни, муқаррар, кутгил,
Онасидан чинқирмасдан дунёга келар
Масъуд болалари билан бирга Одам ўзи-да.



6

Табассуми огироёқ аёлнинг мангу сиридир.

7

Ёлғизлигин сездирмаслик учун
Улкан бир қитъага,
Кимсасиз бир оролга,
Ҳеч бўлмаса,
Бир томони меҳробга туташ,
Яриморолга эврилишга шайдир
Ҳамиша юрак.

8

Тилимизда бағри бутун сўзлардан кўра,
Ярадор сўзлар кўпчилик,
Нима, чиндан ҳам утда ёнмаса,
Жароҳатлари битмас қушми Самандар?

9

Шунчаки ҳаёт мақсадида аёлни севмоқ
Бахтини куйларкан ойдин гул фасли,
Денгизга айлана олади ҳар битта аёл.

10

Ўзини узидан қўриқлаш бахти
Ёлғиз инсон чекига тушган буюк,
Сунгсиз ҳасратдир.

11

Хотиралар,
Бўлиқ қор қўйнида адашиб кетсанг,
Қаршингдан чиқиб қолгай, ниҳоят, дунё.

12

Иккала кўзимдан рўзи маҳшарда
Икки улуг дарё ундирмоққа қодирмисан-а?

13

Ярадор кийиклар, сездим, бедор тунимда
Кўнглимдан бир малҳам излади гирён.

14

Улуғликлар, магар тарихда қолган бўлса-чи,
Бизларда айб йўқ,
Улуғлик ҳамиша бардавом бўлган:
Давомсиз улуғликлар ўзи нуқсонли;
Авлиёлар қадимда ўтган бўлса-чи,
Ажабтовур ёлгон сингган минг-минг нақлга,
Бизнинг даҳлимиз йўқдир:
Зотан, ҳар қандай муъжиза боқий,
Боқий нарсалардир аслий каромат;
Буюк ошиқлар ўтмишда қолган бўлса деб,
Минг карра айтсалар, ишонмагил ҳеч:
Аёлни шунчаки болалари дея
Жонидан севган бир эркак
Умрбод гуллар соясида манзил қаритган
Жаннат йулчисидир азал-азалдан.

15

Осмонда юлдузлар бунчалар гузгон!
Ой бунчалар тиниқ, зилол ҳам сўлим!
Эртага совчилар келгудек унга-да гуё.

16

Элсиз даштларни-да куйладим шодмон,
Тириклик чарчатган ҳоргин дилларга
Етсин дея тонглар шувоқлар иси,
Билдим, саҳрога етти бор таниш ҳаёт,
Бағрикенглик тилар армон оҳанги.

Якранг осмонга ҳам минг буёқ бердим,
Гарчанд лоқайд эди, дардсиз нилийдир,
Ният рангларини сочдим фалакка,
Билсам-да осмонда етти ётмасдир ҳаёт,
Ҳатто дил бор дея ундадим ўзим.

Йилларим, йўлларим шамолга тутдим,
Ором истамадим, истадим кенглик,
Умрбод жароҳатли сўзларнинг ранги
Ҳам исини туйган кийикдек юрак
Мумиё излайдир ҳазин тилга, оҳ.

17

Оталар тушига кирар қизлари бахти!

18

Ёмгир ёғар, эринмай, эзилиб ёғар,
Кунгил униб чиқар сунгра жисмимдан.

1988



ПАЙҒАМБАРГА ҚЎЙ СОҚҚАН ЧЎПОН

«Бир чўпон» дир номингиз-да,
Бобожон,
Билмам,
Абу Зайдми,
Абу Саҳл,
Ё шунчаки Жаңдал.
Сурук ҳайдаб яйратаркан
Саҳрода ёлғиз,
Йулиқдингиз Пайғамбарга
Ул зот чанқаган маҳал...
Оқил эди қурайшийлар,
Доно, тадбиркор,
Дангал эди бари-бари,
Жасур ҳам жўмард.
Жоҳилият ўзга кечмиш,
Булак сир-асрор,
Аҳмоқларга Расулини тенгларми магар?
Ақл-заковатдан юксак динин
Этганда тортиқ,
Иноятдан довдираган,
Куйганлар қанча!
Расулуллоҳ сабр айлади
Ўн йилдан ортиқ,
Қурайшийлар туриб берди
Ақли етганча!
Зотан, недан кечмак ҳисси
Барчада мавжуд,
Аммо нега етмак бахти мавҳум,
Пинҳондир.
Яратмишдир барисини бир-бирга махлут,
Шундоқ истар,
Майли шундоқ,

Шоҳижаҳондир!
Бир гарибга
Сиррин ошкор этди,
Шошмади,
Сурук берди,
Сурук сурди,
Азим эди аҳд!
Сиддиқликдан тонмади-ку бир чупонзода,
Маккаликлар ваъда этса аёл, давлат, тахт!
Ою Қуёш,
Борлиқдан-да юксак лутфини
«Шеър-ку» дея англамоққа ҳаққи борларни
Ақлсиз деб атамас,
Шундоқ,
Ақли бутунлар,
Илҳом недир билмасмиди араб?
Торларни
Черта-черта қасидалар куйлаган миллат,
Жанг бошласа сўз қиличин кўтарган аввал,
Табъи нозик булмасайди Абдулмуталлиб
«Муҳаммад» деб суймасди-ку Уни ҳеч маҳал!
«Амин» кунясига лойиқ,
Тан олмоққа ҳам,
Багир булсин бир қавмда,
Дунёдек багир!
Унғачайин,
Ундан сўнг ҳам
Кукармади-ку
Очкўзлар чангалида
Милён бир сагир.
Йуқ,
Сирри узга,
Асрор кўп йироқ,
Ожиздир инсон,

Карам нури ёгилганда Маккага буткул,
Ҳижрат отлиқ ҳикматни-да билмасди олам,
Нур селобидан унмасди Мадинадек гул!
«Бир чўпон» дир номингиз-да,
Бобожон,
Билмам,
Абу Саъид,
Абу Хаёл,
Ё шунчаки Райҳон.
Йўлиқдингиз Пайгамбарга,
Саййиди олам
Ҳижратобод манзилига отлангани он...
Қуй соғдингиз,
Қуй соғдингиз Расулуллоҳга,
Бир коса сут,
Бори шулдир,
Билсанг, кифоя!
Суругида сувайдодан ариган гўдак
Ҳикматини англамоққа қалқсанг, ниҳоят.
Одам авлоди гуноҳин аритмак боис,
Ювмак ниятда Қобил қавми айбини мудом,
Сурук берди набийларга Чупонижаҳон,
Оллоҳ отлиғ Бирубору
Ҳам якто Худо!
Набийзода сут ичдилар
Сиздан
Бир коса,
Шукур айтиб Яратганга,
Сурукка раҳмат!
Эмизарга гўдак истаб Аҳмадни топмиш
Ҳалимаи саъдияга тенгдирсиз фақат!
Саҳобасиз,
Неча юз минг саҳоба аро,
Валийдирсиз сўнгра кечган силсилада ҳам!

Жумла олам саодатин бир томон тутсанг,
Бир коса сут тутмоқликка арзимасдек,
Кам!

Асри Саодат-да,
Бари-бариси ҳикмат,
Қусво сиздан-да бахтлидир,
Эй чупонзода,
Ҳижрат йўлларида ёгиларкан пурзиё оят,
Азим-азим тоғлардан ул эди зиёда!
Нубувват муҳрин уйнаб упган болалар
Тарихдаги энг масъуд гўдаклар эди.
Расулуллоҳ эшагига мингашган ўсмир
Димогидан жаннат иси кетмас-да дедим!
Насабим-да чўпонлардан келар, бобожон,
Гоҳ сиддиқлик,
Гоҳи гуноҳ:
Йўқ дилда сукут!
... Руё мисол ҳаётим манзилларида
Тушларимда ҳам
Эгасин кута-кута тутадирман
Бир косача сут!

1995

САРҲАДСИЗЛИК

Шамол узра ялпиз ҳиди.

Болаликда барчаси абадий ҳам шаффоф:
Тиниқ шафаққа талпинган ирмоқлар
Қамишлар ҳам толларга қушилиб оқарди
Хотирамизга балиқлар мисоли.
Волидамиз кўйлагидаги анвойи исни

Тополмаймиз бирорта аёлдан сира
Ялпизларда чарогон юлдузларга
Қайтиб бўлмаганидек.

Қумлоқ йўл чанги,
Илонлардан қўрқув ҳам дунё катталиги.

Қайсидир ариқда занг босди пичоқчани сўнг.

Шамолларда ялпиз ҳиди.

Тун бўйи чириллар чигиртка.
Изингдан югурмайди ирмоқлар,
Имламайди қоялар тонгдан.

Ялпиз термакка боргинг келаверади.


Пичоқ топилмас.

Уззукун ҳам қолиб кетган анча-а на-арида!

1991

ЭПИТАФИЯ

Улгайиб боради тобора соғинч;
жуғрофий кенгликлари қиёфасизланар хотиротнинг бот;
она сифатини олган лисон унгиралида
туёқларидан қон силқийди сузларнинг тагин;
сахар пиллапояларидан энаётган дарахтлар
остонангга қантарилар ваҳима издиҳомида;
новдалар олис насимлар кўланкасида
дарё ажинларини ҳижжалар маъюс;



нураётган кўнгил изидан қалқади азоб
хулосасизликдан емрилган ҳикмат кўксига;
бағри кенг, бағри тенг, бағри энг... дунёнинг
бир чеккасида йиғламоққа излайсан гўша;
узумлар баргига мунчоқ сочган тундан сўнг
бир қанча «сизликлар» яралгай уйғонсанг магар;
бегона қитъалар, денгизлар остонангдан жим
бир чеккага чекинади эшикни очсанг телбавор;
*(бегоналик миқёси аниқ миқдорга эга бўлолмас,
бормикан шамойили бир чекканинг азалдан;)*
ётлар туйгуларин эрмак қилмоқдан безган,
шубҳани фикрсизлик дастёри билган одамзод
мунтазамлик кўргач азалий қайтариқларда,
муҳаббатдан сесканади юракдан бош олиб кетган,
сўнгра алланелар тимсолига айланган йўлдек;
бўрининг хоин авлоди итда сезги бор сиддиқона;
хоин авлодида бўрилиқ яширин минг йилдан бери;
бағри кенг, бағри тенг, бағри энг...
дунё бир чеккасидан айрим хулосалар берилган,
тақлиддан бошқасига кўникмаган тийрак шерикка;
одамлар қайтариқларни тақдир деб аташди;
қайтариқлардаги жиндай тафовут қисмат номидир;
қайтариқлар айнан такрорланмаслиги эса июнат;
июнатлардаги қайтариқлар бахт деб юритилади;
пичоқ терак баданига гўё абадий битар
висол оқшомида йиртиқ кўйлакли қизалоқ номин;
хаёл тарвақайлаб борар улкан чинор сийратига;
тошлоқда капалаклар учар, адашган капалаклар
булиб қайтди қора ўриклар оппоқ гуллари;
юлгунлар гуллади туқайзорда чилла тигида;
йил томирларидан сизиб чиққан гулларни
қудуқ бошида қизалоқ қадар кўксига;
акс садолар диёри туюлган қоялар силсиласидан
таралар қадимий нола чеваралари;

капалаклар тошлоқда баҳодир тушидаги
қасосдай айланаверар;
тузғоқларга бурканар олам;
бағри кенг, бағри тенг, бағри энг... бир чеккасига,
танангдан базур руҳинг айириб,
узингга тикиласан, ҳижжалайсан, айтасан видо;
қалдиргочлар елканг излайверади;
балиқлар бош қўяр инсон теранликларига,
охирги йўналишидир дунёнинг инсон юраги;
тонгдан энгимда дунё айлана саёҳатга чиққан чумоли
узича шивирлар: «Етар, уйга қайтамиз»;
бағри кенг, бағри тенг, бағри энг...
бир чеккасида шамол ўрикларни сочқилайди қув.

1990, 2000

ШАЙЛАНИШ

Ҳар саҳар эш бўламан
гафлат аралаш абадий туюлган вақт оқимига.

*(Менинг билан иши йўқ куннинг,
унда ишим борми, ўзи, билмадим).*

Боши айланган осмон
чуқур қилди останамни ҳам.

*(Йулларинг ёритмоққа яралган кўзларимга
энг мудҳиш сўнгсизликдек ботади олам).*

Термуламан, сон-саноқсиз япроқлар,
лаҳзалар вақтдан ташқари гўё.

*(Мен эса бир неча асрлардан бери
ундан қочиб юрибман ҳабиблик тилаб).*

Шалаббо қилиб ташлади эгнимни,
танамни,
кўнглимни
шомга яқин
кутилмаганда бошланган ёмғир.

*(Хаёллар эшигини чертаётган
согинчлар бармоқлари чўгга эврулди).*

Ўртанаётган одам боласин
музлар кўчаётган ботинига
томчиларга чулғаниб сингиши
кимдан қолган сир?

*(Насиҳатлари сўнг кезларда
ўзига ҳам ёқмай қолган
донишманд эканлигин тан олмас кўнги).*

Исёнлар бағримда туғилиб
бағримда ўлиб кетишди,
қадимий куй мисол
музлатади борлиғимни эрта учган хазонлар.
Бағримда туғилган илонлар эса
урмалаб киради тушимга ҳамон.
Ҳамон.

*(Неча бор дор остига
бошлади хаёл,
нечанчи дор тагидан қочдим,
бунга жавоб тополмам ҳануз).*

Теграмда улуг, сурбет
гуноҳкордек саргардон самодевор,
пойимда жисмимни согинган
навқирон тупроқ.

*(Макон кенгликларидан тўниқдим...
Дунё бир чеккаси — унинг аввали.
Ўзидан, муҳаббатдан қочиб юрган кимсани
совуқ қарши олар сунбулада
тафти қочган оидин тўшак ҳам).*

1997

ТАҚОЗО

Тақдир-да
шунчаки
ҳаёт ёнгинасидан
боряпти кечиб.

*(Хаёлларим тарк этмаган маъво...
исминг билмайман ҳамон).*

Аллакай даштга ташлаб келинган ит болаларидек
думин ликилатиб бепарво йўлим кесиб ўтмоқда
танадаги хотир деган салтанат фуқаролари,
бошмияда яшайтган тимсоллар исмига дўнмоқ,
мантиққа томир отмоқ истаган ёввойи сўзлар.

*(Денгиз худди юрак эрки каби...
йироқ-йироқлардадир).*

Хаёл хаёл эмас энди,
сунгсиз,

шарҳсиз саргузашт бу кун.
Хаёл энди туқайзорда илк аён булмиш туш,
ҳали давом этаётган зил-зил воқелик, холос.

*(Бир умр чоғланасан кечмиш мантигидан огоҳ булишга,
эринмай туқийсан макон хусусида талқин, ривоят,
шайланасан инсон устидан ҳукмга,
ҳаддинг сигмайди,
тикиласан изларидан кечмақда дамнинг,
давомини тополмайди собитқадам ақл-да энди).*

«Кеча» мозорида
милён йиллар кўмилди,
«эрта» чангалида
тахминан шунча бор чиқар;
аждодларин ер юзига сигмаган сўнгаларини
авлодлари қабрига кўммакчи
дарбадар «бугун».

*(Тангри тўртинчи дастур телекурсатувлари,
фаришталар эстрада концертида
чалгиган шомларда
банда ёлғиз қолди
ташналик,
очлик,
иложсизлик,
ажал кўзларига мўлтираганча).*

Ер юзи ҳам энди бағрикенг,
бепоён атама талқини эмас,
тақсимланган маконлар,
қуриқланаётган тоғлар,
иқтисодий қиймати аниқланган саҳролар,
имкониятлари ўлчанган дарёлар,

амал қилаётган шартлар,
кучдан толган қонунлар,
бир-биридан тонаётган авлодлар,
бир-биридан чўчиб турган тузумлар,
бир-бирини гажимоққа шай ақидалар
силсиласида
давлат чегарасини қуриқлаётган
хушқад хонимнинг
батнида етилиб борар
жинси кўпчиликка номаълум ҳомила
шунчаки бир кулбага айланган Ер юзида
девор ортидагиларга ҳам овозин эшиттириб
туғилмоқ мақсадида
сўнг кезларда юзини сепкил босган онасидан.

*(Инсон ҳануз имконсизлик кўзларига термулар,
инсон имконсизликдан иложсиз сари отилган
энг катта калибри ўқ мақомида
оммавий саноат,
оммавий санъат,
оммавий муҳаббат асридан сўнгра).*

Чарли Чаплин,
муқомларинга
ўзга сайёраликлар кулмаса керак;
Вияям Шекспир,
хиёнаткор завжасини ўлдирган эрни
бир умрлик қамоқ жазоси кутармикин
Юпитер зиндонларида;
Амир Низомиддин,
Мажнун булиб саҳроларни кезмак учун
япон конденционерни
ва «Мерседес» керакдир
ҳар бир ошиққа;

Федор Михайлович,
ойболта билан винчестер уртасида
фарқ катталиги қанчадир
тугуруқхона бўсағасида?

*(Тавба, доғдир бузоғини ялаётган сигир *
қайси даврда яшайпти, ўзи?
Нок шохларида кезинган чумоли-чи,
аср ўзгариши билармикан, а?)*

Йул юрсанг,
қадим тушдагидек гуё мўл юрсанг,
кўнгил кетган гушадек туюлган
ёт бир манзилда:
«ҳаётим кечсайди шу гушада...
ким билсин...
аттанг»,
телбавор фаразлар кечаберар
ҳаприққан дилдан
бир эртак давомида.

*(Шаҳармиди,
қишлоқмиди,
энди сира йўқ фарқи:
интиласан, талпинасан
соддадил, далли).*

Тун бир дилбар хаёллари,
армонлари,
муҳаббати қитъасидир.
Бир умр Колумбдай кашф этмоққа чоғланасан.
Ер юзига айланади муҳаббат.
Викинглар жасоратию,
Магеллан сиймосидаги қурбонларни талаб қилар
Кўнгил айлана абадий саёҳат.

*(Дарвоқе, неларни изляпти нок шохларида
эрта тонгдан чумоли?
Новдалардан топа олармикан
Бойқунғирини?)*

Умид синиқлари устида рақс тушар кечмиш.
Тўрт девор издиҳомида қисилиб кетасан.
Кейин...
Кейинчалик
Коинотга эврилади
сени оламдан тўсиб турган тўрт девор
Борлиқ умуртқасига айланган
чор унсур мисоли.

*(Ўзгаларни кўнглига нечук сигдирсин
кўнглига ўзи-да ботмай турганда одам?)*

Ҳаёт-да,
умрбод эсингда қолмас
арслон чангалида кўрилган тушлардан
бир лавҳа, холос.

1999

ШУНДОҚ

Нари борса, йулиққай бирон кўргулик,
Шаштимдан, айтдим-ку, асло қайтмайман.

Тонгудек бўлсалар дўстликдан ҳатто,
Ачиниб ўтирмасман улфатларга ҳеч.

Нари борса, озиб қолгум йўлимда
Шунгача адашганлар сингари, шояд.

Ўзгалар ибрати ҳам сигмас кўнглимга,
Бировларга-да ибрат қилмангиз дарҳол.

Нари борса, денгиз ҳам тонадир етсам:
Қўмларга бош қўймиш дарёлар озми?

Устимдан учиб ўтган қўшлар карвонин
Адашган ўзан мисол сезаман ҳануз.

Нари борса, фарзанд, хотин, манов эл
Бор мулкимни эгаллар фотиҳлар каби.

Тушларин тарк этмамиш асл ватанга
Йўл олган ошиққа-чи бисот шартмикин?

Борса нари, ҳаётим умрбод алдаган
Тахминлигин тушуниб етгум, ниҳоят.

Нари бераверса... чиндан кал бўлмас
Одамзоддек боши таваккалнинг ҳеч.

2000

ХОТИРАМДА БАЪЗАН

Ногаҳон бағрим ўртаган хотиротми ё,
Уч кеч оловда тулганган туқай фарёди?

Баҳор уйғониш фасли деб ёлгон шивирлар
Гунча, гуллар оқиб кетган шафқатсиз ўзан.

Оҳукуз дилбар сувратин чизмоқ-чи азоб,
Жайронлардан ҳуркак сўзлар қийнаса тунда.

Кулбам сари дилдор висол шиддатимас, йўқ,
Ошиқтирар гўдакларим қийқириғи боз.

Дуст кимлигини ҳам дуст дийдори қолиб,
Чинакам согинмоқ теран англатар туйқус.

Кўзи уткир осмонга-чи қаролмайман тик,
Лайлақлар манзилин ютган согинч йўлидир.

Юкундим, томирдаги қон олий мақоми
Ёногинга титраб томган ёшларим бўлди.

Адоқсиз осмондай, боқгил, уз номин билмас,
Ҳақиқатнинг чўнг тимсоли бўлмиш Қизилқум.

Қадимий минора, балки юксаклик, қайдам,
Мункиб қолган танти фалак ҳассасидир, а?

Гудак кезлардек ётаман юмиб кўзларим,
Бостириб келмас устимга... Зарафшон саси.


1999

АЪЗОЛАР ИСЁНИ

Дилим эмас асло, аъзоларим гоҳ
Қасамлар ичишди номимдан атай.

Чуқурини кўрмас остонани-да
Ўзи кўтармоққа чоғланмас елкам.

Бармоқлар тугилди, яралган муштга
Минг тумшуқ кўрсатинг, туширмас қўлим!



Ҳаётим саҳро деб лоф урма, воиз,
Ҳаёл кечса кечар, кечолмас оёқ.

Кунглим кўрганлари кўзим олдидан
Ўтиб борар мағлуб лашкар мисоли.

Қасамки, минг битта харсанг остидан,
Иста, истамагил кўтарилгай бош!

Қалқса-чи, бу мушт табъи кўп нозик:
Сур оломон турқин бежамайди у!

Минг асрча муқаддам оёқларидан
Айрилган дил, ҳамон ёлғизмисан, а?

2000

МУНТАЗАМЛИК

Даҳрийлик этагин зич тутган миллат,
Муқаррар, доҳийсин кўмолмас ерга.


Кўр зулмни соғинган оломон бўлиб,
Гул қўяр зулмпеша даҳо пойига.

Заифлар мулкани талаган тўда
Ўзгаларга тўнкар қилмишларин ҳам.

Аёллари-чи, улуг миллатнинг, ана,
Ҳаром ошин ичар катта кучада.

Боёқиш тупроқми, унинг айби бор:
Мафкура нелигин билмайди нега?

1988, 2000



БИЗИМ СУНБУЛА

Сунбула гулларидан
Тополмадим сенга, ёр.

Улгаяр куз нигоҳи.

Ғарқ пишар ой осмонда
Анорларга қасдма-қасд.

Тулмас согинч ҳовучи.

Изимдан хазон сочар
Согинтирган насим ҳам.

Юрак излари хушбуй,
Адашиб кетдим сенсиз.

1985

БИЖАНЧИ ДАШТИДА

Калхатлар бир гўзал учган чагатлар узра
согинч кунлар дарагин шопирар шамол;

тўзгоқлар қўнмоқчи қудуқ тубида исён,
якка булут бўта мисол талпинар телба;

чумчуқлар яккатут бужир новдаларидан
ғужирлаб сочилар қудуқ бошига гурра;

жизганак маконин бир қур зиёрат этгач,
тун пойлаб пинакка кетди эчкиэмар ҳам;

хайҳот эласларда танҳо қолган ёлғизлик
теграсини қўрир мингга кирган сароблар;

илонлар йўлича ҳарир тонгдан судралиб,
тошбақа излар чошгоҳда оқил тамаддун,

юпун манзарадан туйқус хумори тутмиш
Дали*га бир кулдон сотмоқ қасдида сарсон.

1987, 2000

УЧИНЧИ ЙЎЛ

Хурсиниқ сўқмоқларида адашиб кетади умид;
уятчан шафтоли тукидай дилбар наво тирилар;
томирлар тўрида питирлаётган нотаниш бир қуш
эканин унутгуси келар саҳарда юракнинг бирдан;
ёлғиз уйда ёлғиз йиглай олмаган инсон
қувона олганига ҳайрон булар уша уйда узича;
хотирот теварагида деворлар, дарахтлар, йўллар,
мозорлар, сойлар, дарёлар, оҳанглар, даштлар
умрбод қишловга келган қушлардек чулдирайди шод;
какликларга сингил булмиш кўкраги бўлиқ бир аёл
ол қадаҳда шароб тутар соғинч тенгкунлигида;
ёлғизликда гўзал тушлар тортиқ қилар сунбула;
ҳадемай толиққан япроқлар хазонга дўнади,
далаларга қайтиб келар яланғоч новдалар фасли
унутганча дарахтларнинг боқий исмини бир-бир;
қушлар, дарахтлар, тоғлар, сойлар бирор ҳужжатсиз,
ҳатто исмсиз яшаб ўтишлари мумкин дунёдан;
муштарак ном уларнинг абадий саодатидир;

* Дали, Сальвадор — XX асрнинг етук сюрреалист мусаввири.

неча бор ўлиб, тагин тирилмак бахти ушмундоқ;
айиқлар бош қўяр юрагинга боз,
тушларинга ўрмалаб киради карахт илонлар;
олис-олис диёрларда она йўлбарс ҳам
болаларин ўйнатади сен-ла истасанг;
хазонларни дарё сари ҳайдаб кетади шамол;
қайтиб келар денгиз хаёл даштига тагин;
дарвоқе, жануб чагатларда даҳма ҳам булоқ буларди,
булоқда қайнарди ажабтовур балиқлар гужгон,
устига соя соларди минг яшар серновда бир тут;
дарвоқе, шимол қояларда хонақо ҳам чашма,
чашма бошида серсоя улкан чинорлар,
пистахўр балиқлар яшарди минг йилдан бери;
иккиси оралигида мавжуд эди Нурота, Аллон,
Аработа,* Барнобек, Сайим махдум деган бир
тушуниксиз номлар масофаси анчадан буён;
«Барно, Аработадан бир балиқ танлаб кел,
яхшилаб танла, нишонали, белгили бўлсин;
келаси йили бова-бала Нурота борамиз,
иншооллоҳ, танлаганинг кўрингай, балам»;
ақл ҳаммасини тушуниш учун эмас-да,
ҳаммасини тушунмаслик учун-да берилганини
узун қиш кечалари Аработадан Нурота томон
кечиб ўтган нишонали балиқ англади кўклам;
қўчқор сўйдик сирлар соҳибига атаб жавзода;
иримча, икки чашмада бир балиқни кўрган
икки олам саодатига ноил бўлиб-да, чунон,
гуноҳлари баҳридан ўтармиш Яратган эгам;
устимдан булутлар оқиб ўтдилар қирқ йил,
кўксимни шамоллар ялади айни маҳалда;
кўз олдимда мангулик манзилин тутди
ўзим қўрган ўрик ҳам қуюн зарбидан ҳатто;

* Қарнаб даштидаги табаррук қадамжо.

ниятлар рўёб учун эмас-да фақат,
рўёбсизлик учун яралган бўлади баъзан
бу дунёда тан олмоқ тантилигидан;
Аработадан Нуротага қора қиш кечиб ўтган
ният йўлчиларидек тилаганим замин қаъридан,
ният осмонидан бағримга қайтган армонли кунда
хўрсиниқда ўйноқлайди балиқлар сирли, нотаниш.

1997

КЕЙИНГИ ЁЛГИЗЛИК

Юлгунзорда алвон қўшиқ куйлайди шамол,
Дарё тўшин тимдалайди жарқалдирғоч шод.

*(Умрининг-да тенг ярмин симирди осмон,
Қолганига шафқат қилмамиш ҳаёт).*

Новдаларда қолиб кетган шамолтуршакни
Излай-излай қумрилар қаноти толди.

*(Гафлат чангалзорин тарк этсам, ваҳший,
Етти ёт кечмишлар изимдан келар).*

Дарахт ёриқларин макон тутган чумчуқлар
Интизор жовдирайди қиш йўлига тагин.

*(Нидосини дунё эшитмас юрак
Куксингдаги мангу хўрсиниқ, холос).*

1989

ҚАДИМИЙ БАХТ

Эркакни болалар қарши оларкан шомда,
Қийқириқ жаранглар, гүзал согинч жаранги.

Кулба чироқларин бир-бир ўчира туриб,
Неларнидир эслаб аёл кулимсир дилбар.

Жой талаша бирин-сирин уйқуга ётган
Катталарин тинчитмайди кенжатой сулув.

Тонгга яқин бир-бирининг пинжига сингар
Бир кўрпага сигмай қолган... тушлар илдизи.

1989

КАЙФОНЯТ

Шундоқ, неча бор яшадим ҳаётимда ҳам,
Қайси дафъалигини тиниқ англамоқ эса,
Ҳаливери... қўлимдан-да келмаса керак.

Бир пайтлари қушлар инин телба бузган сўнг,
Қизалоқлар додин бергач сочидан тортиб,
Қанот ҳам сочлар эркини... излардим ҳали.

Аслида қиёфа эмас, ўзгарар юрак,
Одамзод улғаймас асло, юксалар кўнгли,
Тана таркибин ўзгартмоқ... инсонга ётдир.

Қулларимни муҳтожларга бердим тақсимлаб,
Йулларимни йўлсизларга кўрганман баҳам,
Бегоналик истар эдим... хотиротдан боз.

Адирларда қолиб кетган оҳанглар тирик,
Саҳроларда унган чечак сулувдир ҳамон,
Булбул фақат гул ҳақида сайрамайди, йўқ.

Теграмда шамоллар, кунлар, сувлар, согинчлар,
Сайёралар, Сомон йули, тупроқ, тақдирлар
Эврилади тинмай... ишон, узим сингари.

Заковат ҳам хотирадан жиндай нарида
Азал мамлакати бордек изладим узоқ,
Абадият ибтидоси... теран ҳайратдир.

Майсаларга кўмилганча кўнгил тингламоқ,
Йўқликларга чулганганча нажот изламоқ,
Юракни чўчитган ўлим... хаёлдай сўнгсиз.

Қушлар устимда чарх урар, булутлар тагин,
Юрагимга томир ташлар сўнгги бор осмон,
Қарогимга сигмай қолар ҳайрат диёри.

Жуссамни тарк этар азал, қолгани тақдир,
Ғуссамни тарк этар ажал, балқар қиёфам,
Ҳақиқат исми бегона... йўқлайди тонгда.

1985

КОРАТОҒ ТОМОНЛАРДАН

Бизни йўқлаб, топмай бизни, Лайло келиб кетибди,
Зордик чунон, эзди гумон, Улё келиб кетибди.

Бир мактуби баҳона-ю, висол қистади Кўнгил,
Қолдик дариг, боқдик сариг, Даво келиб кетибди.

Сийнасига бошни қуйиб йигламоққа зор, маҳтал,
Турган эдик, юрган эдик, Ҳаё келиб кетибди.

Гуноҳобод жизганаги ёқди жону жисмимни,
Биз-да саҳро, ул-да баҳра, Дарё келиб кетибди.

Интизорлик новдасига бир тушгайди сояси,
Сузга қанот битгай эди, Наво келиб кетибди.

Излай-излай, кунлар тузсиз, унлар тузсизким, ваҳ,
Андишалар зулматига Маъно келиб кетибди.

Қайдин билай, висол истаб бустон кунгил мақоми,
Айрилиқдан жаннат улгу Сабо келиб кетибди.

Армон хирмонидан тонгла кутардим бир наво,
Аҳли ушшоқ даргоҳига Дунё келиб кетибди.

1994


БИР РУҲБАХШ ЭМИШ

Бизим дилбар ҳусн элинда шоҳ эмиш, султон эмиш,
Ваҳким, излари тупрогинда оҳ эмиш, армон эмиш.

Малоҳати шарҳида оҳу қавмига дунгай туркулар,
Сийрати-да дил аҳлина чоҳ эмиш, дармон эмиш.

Англадим боши кукка етмиш телбалар шавқидан,
Урарсанг оҳ, дилинг арши Моҳ эмиш, Кайвон эмиш.

Қайда малак дийдори чоҳа тушмаса Юсуф,
Зулайҳо матлаби андоқ жоҳ эмиш, райион эмиш.



Қибланамо даргоҳинда мақоми аъло солик
Тутмас йўлким, дийдори роҳ эмиш, равон эмиш.

Иқрори илинжида куйлар ҳазин саҳрою бешада,
Бани дард алвидоси воҳ эмиш, ризвон эмиш.

Таваккал айлаб совчи солдим ўзимча, боқгил,
Элчимиз шояд Ўзи, ҳам шоҳ эмиш, жаҳон эмиш.

1985

ТЎРТЛИКЛАР

1

Чучимагил, кўнгил, тонма тақдир ҳукмидан,
Садо берар ортдан, ана, бир ажойиб ком.
Яхши ёким ёмон бўлса ўзгалар чеки,
Биздан-чи қолгай ғайри тавсиф масъуд ном.

2

Ақлни атай бегонадан ўрганмадим, йўқ,
Шунчаки тан олдим жоиз такрорни, холос.
Билганларим гарданимга солса гар занжир,
Билмаганим этгай ундан ўшал дам халос.

3

Келганда мавриди битар ҳар нечук манзил,
Билмасмиз етгуси қачон комрон пайтимиз.
Лек, қалам синдирмоқ жоиз закот бўлганда,
Дарзлари-чи, бўлгусидир энг сўнг байтимиз.

4

Пойгаҳда хушомад, тамаъ тутганда мақом,
Курасан, тўрда қўр тўкар боши буш тутун!
Пойгаҳу тўридан ўзга дунёнинг тагин
Ўзи борлигин англаган бағридир бутун.

5

Қўлдан берганга-ку тўйгай ҳар қандайин қуш,
Деб шундоқ, ўзингча ҳукмга исён этасан.
Эй азал, қўлдан берганга қилмай қаноат,
Қанотин қафас билганни, айт-чи, нетасан?

6

Бор эди, йўқ эди... бир кун эртакка дунди,
Мақсад сўнгалари узра гала қуш қўнди.
Билмадим, карвонин кутган тилак ё солик
Баридан кечди, барига, оҳ, қандоқ кўнди?

7

Келмагим шахди мақомин дедилар «дарак»,
«Ундов» атадилар кечмак саодатин ҳам.
Ниҳоят, ёздигим ҳамон билолмайин лол
Кетганда кутадир «сўроқ» қийматли бир гам.

8

Андишада лабинг титраб келади яқин,
Ҳаёвор бармоқлар чекди қабоқдан ёшни.
Дилбар зулмат қолсин абад, ёр, худо ҳақи,
Узмагил кўксимдан офтоб тийнатли тошни!

9

Қизганмади дунё асло йўқ-у борни ҳам,
Ағёр даргоҳида топган дилдор ёрни ҳам.
Атагани бўлса, шояд, маним қисматим,
Қўлини упарман, айтинг, келса дорни ҳам.

10

Мурод занжирин узиб бўлгаймиз озода,
Занжир муродига етгай, йўлини очинг.
Заминдан бир ҳовуч олманг, асранг, азизим,
Сочсангиз қабримга, сиқим кўнглимни сочинг.

11

Ҳамонки сиррин титарлар, бўлмамиш адо,
Куплар ҳикмати йўлинда тушмишлар гадо.
Бесутун номини олган музаффар фалак,
Қолбуки, тажалли, шояд, абадий садо.

12

Ажибдир ҳаёт ҳикмати, барида маъни,
Гоҳ алам, гоҳо ҳайратга чулгайдир сани.
Дунё маним дея синган зотларни кўрдим,
Кимса бўлолмас юпунваш диёрда гани.

13

Асрлар Ҳотам ҳимматига айтарлар таҳсин,
Саховатин айлаб мудом юз йўлда талқин.
Қўли очиқ инсон очиқ дилдан самардир,
Яъниким меваси бўлгай уругга яқин.

14

Нақш солсанг дилиннга ажиб сирлардан,
Раҳмат қонинг ювиб, кечсанг кирлардан.
Бир дала очсанг-да тоғлар пойида,
Сунг уруглик сўраб борсанг пирлардан!

15

Шаънинг даргоҳида, шояд, чалдим чилдирма,
Садосидан дил титради, оҳанг, илдирма,
Сархушлик йўлига кирдим, сахий сорбоним,
Ҳамма буни гуноҳ билди, Ўзинг, билдирма.

16

Дуст юзига солма дашном, кўнгил тузидир,
Эртан ёлгон булгич таъна сўзлар музидир.
Ер юзи деб дадил-дадил босиб юрганинг,
Шайх дедиким, Дуст кўкси-ю, Дустинг юзидир.

17

Ким айтди, кўнгил дунёдан узмоқ тариқат,
Боқ, дилфириб даъвосига, ёлгонга молик.
Кўнгил бериб аввал, топгач сўнгра маърифат,
Узилмасни узган, шояд, чинакам солик.

18

Оталар оғзидан сўзин эмас, йўқ,
Кетмонни қўлидан олган-чи оқил.
Даргоҳидан гурбат кетмас юпунлар
Ибратаин ўзидан, хос ўзидан бил.

19

Ишонма, бу кулба илдизим дея,
Истамас, отмассан ҳаётга томир.
Инсон-ку, гирдобда уйнаган чақмоқ,
Кукка илдиз отгай бор-йўги коми.

20

Ўй, хаёл, фикр, ният... адоғи йўқдай,
Улкан занжир ангиз судралар карвон.
Қисмат кечмишида нақш солмиш йўқлик,
Парвариш берган сўнг барига армон.

2000

ОҒАҲИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Шод булалим, дил-о, азал рағбат мулки бутундур,
Этма қасд мосувога, эй ақл, бари мисли жунундур.
Этагин тут пирнинг матойи дунёдин гар дилхундур,
Кишиким толеъи фархундаву бахти ҳумоюндур,
На ишким қилса мақбулу, на сўзким деса мавзундур.

Сийна маслаги утидин тилда тавба, дуо, зори,
Тутмагай тамаъ изиндан, бедор ҳаргиз шавқу ори,
Булгайким ул икки олам арзандаву бахтиёри,
Мусалламдир анга зуҳду, фанову фақр атвори,
Ки олдиға на келса розию масруру мамнундур.

Кўҳна бул очуннинг асл тариқати зиёдурким,
Тариқат на, маърифати ҳамиша тўтиёдурким,
Аҳмад дийдор истади, боис расули худодурким,
Ҳақиқатда гадо андоқ муаззаз подшодурким,
Муқассар фарш ер сатҳи, муҳаққар қасри гардундур.

Арзимас молу давлати шод қароқлар намига,
Бордек обод гар булсанг насибинг бирдин камига,
Кечгил йироқ, берма буйнинг аждаҳонинг дамига,
Ҳазар қил, эй гани, булма ҳарис амвол жамига,
Ки булгон зиллати Қорунга боис ҳирси қорундур.

Булгайсан азал ҳукмидин огоҳ, қолмайин ҳайрон,
Андиша шарифликдур, муяссардир ҳатто ҳайвон,
Тупроқ булки, хоксордин дилинг кўрмас вайрон,
Такаббур бодасин ичмақдин араз айлаким, шайтон
Бу май кайфиятидин то абад мардуду малъундур.

Одам асли эрди олим, саботдин туймади гашлик,
Малак азал эрди обид, мақом нурига туташлик,
Иккисин аъмолига ёзмади Бирубор чалкашлик,
Чу гардун офариниш ичра изҳор этти саркашлик,
Бу феълидин туну кун саргардону вожундур.

Баҳор пок айламиш хотир ҳам қадим дарди фироқни,
Саҳрони чулғаб файзи, яшнатмиш яқин-йироқни,
Хотир манзил ундаюр кўриб гунчада титроқни,
Бу гулшан сайрин этсанг, босма густохона туфроқни,
Ки ҳар гом остида бир пайкари озода мадфундур.

Кими келгай, кими кетгай, фурсат тун бедор шамким,
Эй дил, ҳукмига етсанг, бегонадир сенга гамким,
Эй ақл, тонгла маҳшарга етгай донаи шабнамким,
Неча доно эсанг урма гайб асроридин дамким,
Онинг фикрида ожиз юз Арасту, минг Фалотундур.

Истама насиҳат ҳар неким донишманд, гумраҳдин,
Одил бул, улким тутгай йўлинг қасд, қилмиш, гунаҳдин,
Қозиюлҳожотга айт айтаринг, чиқмагил раҳдин,
Агар муҳтож эсанг ҳожат раволиг иста ул шаҳдин,
Ки шоҳлар олида анинг гадои зору маҳзундур.

Дариго, теграм узра соя солгай тамаву кибру кин,
Боиси недир, билмам, минг бора солсам-да син,
Шафоат истамам, агёр, сендин, олмасанг-да тин,
Тонг эрмас бўлмасам бир лаҳза ҳосид макридин эмин,
Ки шайтондин адоват то абад одамга мақрундур.

Мең-да масъудмен, эй пир, шояд, қасди зам йуқ,
Истамам мурувватин, бўлмас хасис Ҳотам, йуқ,
Бу талотум замиринда ҳар не бор, одам йуқ,
Бари халқ ўлса душман Огаҳийга заррача гам йуқ,
Ки онинг ҳомию гамхораси Халлоқи бечундур.

1994

СЎНГСИЗЛИК

1

Эҳ, исмингни коинотдан излаб топганим
Қандоқ тушунтирсам экан сенга, болакай?

Қайси бир китобдан, айт-чи, топиб бўларкин
Қизалоқ гўзал саволларига муносиб кувё?

Қари урик туман-туман угил-қизларин
Қайси тилда чақиради соғиниб қолса?

Манов мустабиднинг улкан кўпаги нега
Эгасидан-да сергакроқ термулар бунча?

2

Мангулик ҳам ўлимдек қўрқинчли эканин гоҳо,
Шунчаки эслатмоқ истайсан-а, серюлдуз фалак?

Оста илдиз, тегранг узра япроқлари сир,
Дарахтлар узлари-чи қайда яшайди?

Ўримдан сунг бошоқ терган кампир ҳам шоир:
Қай жиҳатдан бир-бирига қисматдош экан?

Тутмиш саҳро бағрин куклам: қурқайин нега
Маҳшар даҳшатидан, эй дил, тирилмак эса?

3

Тушларимни тарк этмаган сунгсиз эртақлар,
Ажаб, бир кун фарзандимга мерос қолгайми?

Отаси сўзларин олмаган анов галварсга
Қандай бас келсин, ахир, жаҳон адабиёти?

Манов даҳо мингинчи бор уқтирган билан
Недан кўнглимга сигишмас назарий бир эрк?

Ҳали ҳам болаликдагидек лабда табассум..
Унинг-ла уйқуга кетмоққа қуйсанг-чи, тақдир?

4

Дарвоқе, шоири юз карра ёзса-да ёзсин,
Тоғни бир зарбда гард этгай паҳлавон қани?

Такбири Зуҳалдан-да юксакка етди дейилган
Миллат нидоси қулоқдан нари утолмас нега?

Дуосидан қудуқларда сувлар тошган валийлар
Қачонгача ташналаб қолгайлар унут даштида?

Ишқ йулида кўздан ёшмас, қонларин тўккан
Ошиқлар қолдимикин, ўзи, бирор гушада?

Недан ҳамон хаёлларим айлар гирифтор
«Муҳаббат абадий» деган бир хуш муболага?

5

Афандининг эшаги... Айтганча, қайси замонда
Қув мажоз емидан ебдикин бу комил жонвор?

Маргилонмас, дейлик, агар Қоҳира борса,
Кумушини топармиди, домла, Отабек?

Гузаллик истасанг, боқгил, ана коинот,
Билмасам, дузахни қайдан топиб бераман?

Умуман, қарилик-да, умуман, полапон руҳга
Ғойибдан келтирилган бешик эмасми, шояд?

6

Қисмат шеъриятига сўнг нуқта эмасми
Ўн бир кунлик чақалоқ қорачиқлари?

Қайси бир тилда сўрасам, айтинг, амаки,
Болаликка битта патта берасиз дарров?

Умр, дарвоқе, қанча ухшаш кунлар,
Ўшшамаган йиллардан иборат, айт-чи?

Бунда туман йилларимни йўқотдим, аммо,
Неларни излаб юрибди кўк туман бунда?

7

Йиллар юрагимни қоядек ушатиб бир-бир,
Тан водийси оқизган селга менгзаиди бунча?

Шевамизда «шарқ» «кунчиқар» мудом,
«Ғарб»нинг эса номи гузал «ойботар»,
«Кунюрар»дир «жануб»... не сабаб
Исми «қора»дир «шимол»нинг, бобо?

Оҳулар элас-элас ишқий мактубин,
Айт, таржима қиласанми, зукко қалдирғоч?

Ойга учгиси келадими
Илонларнинг ҳам?

8

Булоқларга ноталар ёзиб берганмисан ё
Биларсанми кимдан наво тилашган, насим?

Тагин хизмат сафарига келдингми, лайлак?

Юришга шанбадан сунгра маҳкумми
Мудом якшанба?

Гар урикка пайванд қилсак кўнгилни,
Дунёга келгайми абадий дарахт?

9

Янги йилни қаршилашни биларми туя?

Шароб бирла қўшиб ичса бўлгулик
Хуш насим қай юртдан келмоқда, эй дил?

Нималардан қаҳри келмиш чақмоқнинг?

Ҳар амрингга буйсунганча сўзсиз эргашган
Банда-ла қайгача борса бўлади, узи?

Аждодлар қўргоннинг қай ҳужрасида
Қушиқлар тўқишган, сўзла, қадимчи?

10

Абадият... тагин кечиктириш мумкин,
Айт-чи, қанчага?

Миянинг қайси бир лаёқатидан
Дуппи тикса булар бу бошга лойиқ?

Нега ошиқ бўлмас гўзал оҳуга
Йулини пойлаган арслон эркаги?

Миссисипи Колумбдан-да анча илгари
Америка келиб қолган муҳожирмикин?

Оллоҳ арабчадан ўзга тилни ҳам
Билармикан, а?

11

Ҳақиқатга қанча қурбон керак аслида?

Муҳаббат, қай ҳавода эркин бир нафас
Олғайдирсан, севгилим, айт қулогимга?

Дастурхонда қолган гийбатлар-чи, эҳ,
Йигиштирар ким?

12

Ўзинг ибтидосен, ҳайҳот, интиҳо узинг,
Оралиқда кимман ўзи, айт-чи, мангулик?

Ўша олис диёрда ҳам инсон уйига
Ин тикарми қавминг, англат, қалдирғоч?

Сир сақлай билмайман?! Дангалидан кел,
Хуш, қанча берасан барин уксисам?

Қайта тирилгайми бир кун рўзи маҳшарда
Сулувлар сиррини сочган гулларинг, баҳор?

13

Ёлгон ёлгон эди: қайга олиб кетайин,
Юракка сигмаган чин ёлгонларни мен?


Туман йиллар, шунча манзил... изидан келиб,
«Ҳақиқат аччиқ» демакка сигарми ҳаддим?

Ростдан чам, кесмасми эгилган бошни
Ногоҳ исён кўтарса ҳурфикр қилич?

Алдов гирдобига чўккан тамаддуни-чи,
Дантедан бир сўрайми: қутқаради ким?

Ким?

1998



БАРҲАЁТ СОҒИНЧ

Келмадингиз, келаман деб,
Турт булди кўзим,
Бул вафосиз ваъдага-да йўқ мисол талқин.
Гуё согинч дамларини гамзавор чузиб,
Ўртанмоққа яралмишдек, боқ, ошиқ халқи.
Устимдан утган булутлар багримни сиқди,
Осмон далаларин тутди ҳижрон сояси.
Наволар изидан,
Гулим, манзилга чиқдим,
Очун қай ошиқдан қолган ишқ ҳикояси?!
Новдаларда сирғалади ҳуркак бир шабнам,
Билмайдирман дарахтларнинг сира ёшини!
Балки, согинч экиб кетган оғочларни ҳам,
Довуларга таслим бўлмас,
Эгмас бошини.
Кенглик оҳангларга қадим бола богчадир,
Мовийликка қўндоқланган рангин ҳаволар.
Интизор қалб қирларида тикмакда чодир
Мудом сўзга сигмай келган нажиб саболар.
Кабутарни нимагадир...
Э, йўқ, булмайди...
Чарх урмоқда жарқалдиргоч бахтиёр, хушхон.
Ишқ элининг ҳеч қайсидан кўнгли тўлмайди
Ёр ваъдаси гамзалардан сайқалланган он.
Нодонлар-да, йироқ юрсанг,
Дилинг тимдалар,
Оқилларга яқин бормак...
Йул бермас ҳадик.
«Нега», «қачон», «қайда»,
«Уми», «сен-чи», «кимда»лар...
Эй ёр...
Иккимизга татир Бахтли телбалик.

Келсангиз-чи,
Уммонларга етардик бирга,
Тулқинларда адашгайди ойдин кемамиз.
Келган мисол ҳаёт деган абадий сирга
Муҳаббатга ҳижратдан-чи сўз ҳам демамиз.
Наҳанларга сочқилаймиз ҳижрон кунларин,
Елкамизда чагалайлар уйнаса учиб.
Эсламаслик бахти бордир,
Унутмоқ — барин,
Ёр белидан,
Ёр дилидан бир эркин қучиб!
Шошқин дунё барчасига шарҳлар битибдир,
Азалдан то Абадият — талқин бариси!
Манов тулқинларда,
Эҳ-ҳе, қанча йитибди,
Жаҳон шоирларин туққан Ҳижрон париси!
Кимсасиз оролларга ҳам босгумиз қадам,
Анвои чечаклар нурин ачомлаб яна.
Қайдам... Сарандибмас,
Бунда ҳазрати Дада,
Изингизни топган чиқар, ҳазрати Нана?!
Туркистоний ноалардан силкинар дунё,
Армон тупроғида унган санобардир ишқ!
Ерга сигмай,
Кўклар сари талпинган наво,
Шунчаки...
Бағрим, азалий «Тановар» дир ишқ!
Севги келган кулбаларга йўл топмас алам,
Севинч ёмғиридан оппоқ... изтироб унгай!
Қуёш қалбим қамаштирар,
Билмайман, олам,
Ҳалигача қаролмасман ботиниб кунга!
Билардингиз, билмасман деб,
Ғамзапарвар ёр,

Не наволар юрагимдан эшилди майин?!
Руйи замин пучмоқларин кезганда такрор,
Йироқ қочдим ҳасратлардан лаҳзалар сайин.
Ҳарир куйлак,
Фаришта юз,
Қилиги-да хуш,
Даричада жажжи мактуб,
Қисмат давоми...
Осмонлар-чи елканг узра эркаланган туш,
Ҳарф танисам...
Бу имло ёт...
Кунгил тамоми!
Келарсиз-да, келмасман деб...

2002

КАЙҲОНИЙ ЭВРИЛИШЛАР КАРВОНИ

Супрақоқди ҳикматлар ҳам мункиллаб қолган,
Қулогига сўз сингмайди,
Қиёслар гаранг!
Етти ётлар танишлардек
Гурунган толган,
Фарзандлар-да утинчингни илғайди аранг.
Ўз шаънидан дostonларга мусаҳҳиҳ Лайло,
Фузулийга муҳаррирлик этганда Мажнун.
Ширикентда тош қотганча Фарҳод ҳам,
Ҳайло,
Детективдан бош кутармас,
Топай деб мазмун.
Катта бўлсам, одам... қийин,
Рассом бўлардим,
Болакайлар сувратини чизардим мудом.

Саратон анҳорларидан шавққа тўлардим,
Қушилишиб чўмиладир уларга худо!
Катта бўлсам, одам.. мушкул,
Тортардим карвон,
Вагонлар ё автолармас,
Судрайман токи
Салобатли туяларим,
Қолмас деб армон —
Бурканганда чечакларга бу диёр хоки!
Тут экардим,
Қунсин дея хаёлчан лайлак,
Мусичалар пойига-чи донлар сочардим.
Теграм узра саргардонмас,
Биламан, фалак,
Шунчаки буни тан олмақдан
Бир пайтгача атай қочардим!
Чугурлаблар қучогингга отилган гудак
Ҳаяжони, бағрим, айт-чи,
Қайси бахтдан кам?!
Бу оламнинг севинчларин илгаса бўлар,
Олимлари ҳикмат,
Шоирлари байт ёзмаганда ҳам!
Қай бир ўтган авлиёмас,
Биродар,
Истасанг,
Тушун,
Бир гариб кулбасини,
Бор-да, айла зиёрат.
Туяларим қўшилган карвонимни
Хизматинг учун
Шай тутарман,
Ҳақ тўламасанг ҳам,
Майли,
Бергумдир ёнимдан сенга зиёфат!

Алжирама Азал баҳсин,
Эй воиз, сукут,
Фаразларинг бағрингга кум,
Сиринг булғуси!
Сажжодадан бошинг кутар,
Ўнг қўлидан тут,
Анови етим бола,
Бошини силасанг,
Қиёматда пиринг булғуси!
Ганим асли содиқ дўстинг,
Каззоблар ростғуй,
Панд бермаса,
Алдамаса,
Тунгиб кетгайди ақл!
«Бугун» деган ҳақиқатга беролгайми буй
Милодий унинчи асрда пенсияга чиқиб олган
Донишвар нақл!
Гудаклардан болалигин қизганмагил,
Бағринг тутгил кенг,
Шомда уйдан чиқиб кетса,
Бупти,
Ўқраймагил ҳеч!
Юлдуз тула осмонлари
Ёши ёшига-да тенг,
Болалик сўқмоқларидан ҳамма қайтиб келар...
Кеч!
Хаёлларга халал бермай, мунаққид ака,
Назария ситамини сочмай ошиқ дилга,
Тилни бир зум тий!
Дейлик,
Мурувватли ҳузурига борганида Алишер якка,
Ўн икки минг мисра бисотидан кечгандай
Мавлоно Лутфий!
Кеча бағримда жимирлаган чинлар эртага ёлғон,

Оқшом англаганим саҳар ҳечам боқмайди қиё.
Ҳар тасодиф, қайтариқни кузатганим он
Қайтмас дунёларга
«Қайтар» дея танламам либос.
Қадриятлар абадийдир,
Мерос улмас дея урмайдирман лоф,
Шартлиликлар чангалзорин мақом тутмас онг,
Гуё аллабир Самандар қўнган мавҳум Қўҳиқоф,
Дангали,
Эртага не тугишин сир тутаётган тонг.
Бу силсила адогига етмас,
Минг карра чархлаганда ҳам
Сўзларни,
Кузларни...
Боргил,
Асрагил,
Мантиқ куюдир!
Бир карвон улоқади фано даштида беғам,
Сорбонининг пири эса
Йилдан қолган доно туядир!

2002

АҲСТ ВИДОСИ

Бугунчи, манзилдан ўзга бошпана ҳам йўқ,
Осмон муҳаббатдир,
Шивир... шивири ёмғир.
Қариянинг изларига осуда, майин
Тукилади чинорлардан ҳаёт янглиг сир.
Ўйинқароқ кезларидан ёдгор йулакда
Қамчилайди заранг ерни оқшом асабий.
Негадир у ёмон кўрар ҳассани мудом
«Ўлим» ҳам «қон» сўзларидан сесканган каби.

Чайқалади рутубатда гавдалар,
Сўзлар,
Тунд оқшомнинг шевасига тушунмас сира.
Телба чопган кезларидан қолган йулакда
Ёмгир кечмишидан таниш,
Оппоқ хотира.
Ҳамма қочар бу ёмгирдан
Паналаб бошин,
Ўзга девона йўқ бунда узидан бўлак.
Хазонларга тўлиб борар
Юргани сайин
Куйлакчан кунлардан таниш хазонрез йулак.
Дийдираган шомни наволар ёмгир.
Хазонлар оқиб
Ариқвачча тўлиб борар бутана куйга,
Уч йилдан бери тушакда михланиб қолган
Варракбоз дўсти қошидан қайтаркан уйга.
«Бу нимаси, — шивирлади дўсти, ниҳоят, —
Туғилмоғи азоб,
Яшаш азоб,
Ўлмак согинчими — бунинг давоси?»
Барисидан тўйгандекман,
Фақат камдайн ҳамон
Райҳон иси, ёмгир ҳам узинг, ишон, Шоқосим!»
Юпатмакка сўз топилмас,
Кундирмакка ҳам,
Бир сўз десанг узилгудек,
Бир сўз зиёда.
Болалик дўсти остонасидан уйига қадар
Қайтмакка қасд қилди
Ёмгир билан бирга пиёда.
Азим шаҳарда дарахтлар
Одамдан-чи яшайди узоқ,
Кучалар номидай қўнимсиз қизиқишлар ҳам.

Эҳ-ҳе, қанча ёмгирлар ерга сингишиб кетди
Шоҳмот доскасидан бош кўтармай,
Завққа чўмган дам.
Неча дўстларини йиллар шоширди бирдан,
Тақдир деб аталмиш тушуниксиз сир.
Ёлғиз райҳон иси шаҳарда вафодор экан,
Ҳалиям бир қуйса суткалаб эзилар ёмгир.
Томчилар забтига тутди титроқ кафтини,
Қизиқ, томчиларга осилиб
Осмонга-да юксалса бўлгай!
Болаликнинг ҳувиллаган йўлаги узра
Ёлғиз қолган дўстнинг кўзи ёшларга тўлгай.
Бир мушукча мингирлайди тушолмай шохдан,
Олифта-да, пойчасин лой қилгиси келмас.
Тирмизак, олис рутубат йўлагиди ҳам
Чолдан ўзга мададкори қолмаганин гўёки билмас.
Ардоғига олди,
Дир-дир титрайди,
Ҳуркак,
Қадамларин илдамлатди ўктам ҳам мағрур.
... Остонада кутар одатий даккивор севги:
«Шамоллашдан қўрқмабсиз-да,
Чоли тушмагур?»

2001

«ОХАНГ» ТУРКУМИДАН

Фарахбахш далда йўқ, тахмин бор, холос.
Хотирга куланка ташлаган кадар.

Яйраб кулолмайсан, билганларинг ҳам
Бозори унмаган тадбирдан улгу.

Телбавор кулгуни тишлаб сундирмак,
Содиқ тишларингга хос бир вазифа.

Инсон қимтинади, айтолмасдан ҳеч
Юрак тилидаги янги бир дардни.

Дарвоқе, шартмикан, дунё билганин
Такрорлаш қутқусин бўшлиққа айтмак?

* * *

Ярадор масжид ҳам аччиқ киноя,
Меҳробдаги битик бир ҳовуч тупроқ.

Инсон ўзлигини яширмак қасдда
Ибодат илмини парвариш этган.

Ғалати бир таъқиб, исмин билолмай
Хурсиниб қарайсан сербулут кукка.

Кузлари киртайган кунни ҳам, ана,
Шамол судраб борар аёвсиз, шаддод.

Жумла тириклардан тукилар хазон,
Бунни айтиб булмас ҳатто осмонга.

* * *

Муҳаббат устидан телбавор кулмак,
Барчасин аёвсиз сансираб чиқмак,

Нега хиёнатни билмайсан, дея,
Чайқалган дарахтга мушт дулайтирмак,

Тили гунг тупроққа барисин айтиб,
Булутдан олдинроқ йиглаб юбормак...

Ёмгирдан сал олдин, юрак қисганда
Аламзада йиглар инсон юракда.

Аламзада ўксир одамзод зимнан
Дарахтларни силаб, тупроқни тинглаб...

* * *

Бу аёл бағринга сингар оҳиста
Дарёга ийманиб, чўчиб тушгандек.

Ҳамиша билдирмай исиниб олар
Муҳаббат, соғинч ёнганда милт-милт.

Юксак туйгулармас, ўз инжиқлиги,
Ўзи билганлари маънили унга.

Шиорлардан илҳом олгай фикри ҳам,
Мантиқ изламакка талпинмас телба.

Бу аёл мақтаниб билмайди ҳатто
Борлиқни ёритган.. юраги билан.

2000

ЧИЛЛАДАГИ МАЪЮС ХАЁЛЛАР

Кесакага бошин суяб уйга толган қиз,
Хаёлларга банди бўлмак сирридан сўзла!
Ё кимсасиз кечмишларда қолгандек ёлғиз,
Туйгун дардми,
Недан порлар, ай, қора кўзлар?
Йўл кўргандир улар, сулув?
Чилла адоғи,
Қайдам, қирда лолаларни соғинмиш юрак.

Чечаклар тошқини балқир,
Қушлар сайроғи,
Оқ дуррасин силкитгандек қирдан шаршара.
Айвонингга қайтиб келса қалдирғоч тагин,
Шошқин қасидасин тукар урик, шафтоли.
Ўнгирларда шовуллаиди бодомлар майин,
Ой осмонда ёғдуларин чалган маҳали.
Кесакага бошин тақаб уй сурган дилбар,
Хаёлларга халал бермак келмас қўлимдан.
Бир далда ила имладим,
Адашса агар,
Ширин ғамзаларинг кечсин,
Айтгил, йулимдан.
Эргаштириб кетгил дилим,
Ошиқ қалбимни,
Хаёлларинг диёрига,
Айла саховат.
Армонлари ширин чечак,
Севардим кимни,
Гул ёшига етганида бундай малоҳат?
Орзуларинг сенинг, гулим,
Бизда бори-чи,
Неларнидир илгамоқ ҳам шавқдан юрмак маст.
Бир чечакка эврилади юракда суюнч:
Уйчан гүзал асли... малак зотигадир қасд!
Соғинчларинг меърожига чорлагил,
Эй ёр,
Қолиб кетмай бу заминда,
Бағишла қанот!
Борлигимни улашгин-да йўлларга такрор,
Бағримни-да ҳовуч-ҳовуч осмонларга от!
Гул жисмингда порлаган нур,
Ёлқин буйингдан,
Гулгун ёноқлардан топдим дардим соясин.

Ўртанишлар кечганида бирпас куйингдан
Қалбинг офтобидан куйлаб ишқ ҳикоясин.

2001

САЙИМ МАХДУМ

Сайим махдум кетганига ўн йилча бўлди.
Ўзимдан етмиш ёш улуғ дустим энди...
Бор!
Нечанчи мартаси бағрим гиря ҳам соғинчга тўлди:
Нуроний сиймоси жилмайиб,
Тушларимда йўқлади такрор.
Маним болаликдан катта давлатим-да йўқ,
Ёвонларим,
Даштларим,
Қушларим,
Эшагим,
Чупонкучугим...
Ҳаёт деган абадиян берилмиш ҳуқуқ
Талқинини тушунтирган бир махдум чол,
Тили андак чучугим.
Айтар эди:
«Бухорода эдим сунбула бошида, балам,
Ўн олти йилча Хожа Ниҳол ҳужрасидан
Чиқмай ташқари,
Яшар эдим китоб упиб,
Очлик деганига чектириб алам,
Мадраса тупрогин ялаган неча минглар сингари.
Ўшанда
Ҳазрат Чупонота тушимда бўлди-да аён,
Муҳташам Мусҳаф ила бошимга аямай урди.
Тонгласи топдим Бухорони

Мингпарчин, вайрон,
Ўзимни-чи...
Бир кечада ҳофизи Каломуллоҳ лафзида кўрдим.
Неча мазорларга, дариг,
Ёгилди оташ,
Олий кошоналар тарихига бойқушлар қўнди.
Минг йиллар битилган тафсирдек
Хоксор шаҳарда
Азизларнинг ҳалол давлати ҳам
Дафъатан гуё йўқсизга дўнди.
Қилни қирқ ёрган домлалар обдастасини
Тепиб-тепиб жамладилар бир чоҳга,
Риёзат тинди.
Кунни кеча шаънин сотган,
Олса олтин исини,
Хоинлар ҳам ўзича салтанат белига минди».
Карманадан Бухорога борса,
Кетгайдим ҳамроҳ,
Оқ эшакдан ўзга уловга минмас эди қария.
Саратон тигида,
Қаҳратон аёзида гоҳ
Зиёратга борарди ўзи суйган азизларига.
Ҳар табаррук зот нақлин сўзлаб берарди,
Кузларида ёш,
Мавлоно Ориф Деггаронийдан то
Ҳазрат Айрончибобога қадар.
Ҳожа Бўстон даҳмасини
Поклаб утган сунг қуёш,
Хожайи Жаҳонга сўз қотарди:
«Ассалому алайкум, ё азим падар!»
Қариндошлар эшигини қоқмасди асло,
Дуогўй кириб борар,
Болаларга тутарди ҳовуч парварда.
Йигирманчи аср кечмишларидан сўз кетса магар,

Ногоҳ йиглар,
Ё қақшатиб сўзлагайди баъзан серзарда.
Йиллар ўтди,
Бир эрталаб кўнглин ҳис этдим,
Англадим «улуғ... ўктабр»дан аввалги тарих қийматин.
Эҳ-ҳе,
Сайим махдум кўз ўнгида кимлар келиб,
Кимлар-да кетди,
Қариянинг йигитлигин алишмакка,
Барибир,
Кузи қиймади.
Айтар эди:
«Куз ўнгимда юзлаб Устод,
Табиблар,
Ҳабиблар умри қақшади,
Донишманд зотлар қирилди,
Шоҳидман,
Сайид Амир Кулол,
Сайид Пойбандий мунир пойида.
Жоним балам,
Манов кўрганларинг аслан бошқадир,
Сенга айтганлари эмас,
Инон, иймон лойидан.
Ўн йил мужоҳидлик отини борича сурдим,
Тўққиз йил ҳам турмасида ётдим,
Симирдим захлар.
Ўзидан тонмаганлар,
Ўзлигидан кечганлар қавмини кўрдим,
«Топган лақаби»дан вужудим бош-оёқ
яхлар».
«Кузбосди» дер эди Кузбасс деган маконни,
«Оймакон» дея айтарди Аймяконни
Чўпон бовам ҳамиша.
Ўзи асраса,


Тузум ололмас бандаси жонин,
Омон қайтиб келган даҳшатлардан
Нақ қирқ етти ёшида.
Гоҳо дуппослашганин
Қуйиб бошдан сув,
Нечалар икки ракаатсиз узилганин ҳайрондан ҳайрон,
Пуштипаноҳ булганини беватан уйқу,
Чупонота йўқлаганин рўёсида эзилгани он.
Англамакка ҳикматларин етмади бир йигит умри,
Пандлари мағзин чақолмай ҳамон ақлим лол.
Даричасига қўнар эди
Мусича,
Қалдиргоч,
Қумри,
Ҳаргиз нонсут* ила қўй этини тутарди ҳалол.
... Хожа Машҳаддан сўнг,
Пиримаст мазорин йўқлаб,
Хожа Ориф турбатини кўзга суртарди.
Хожа Заъфаронда бир гала тили дудуқлар
Этагига ёпишганда,
Чупонтаёқ билан майин туртарди.
«Ихлос» сурасини кунда минг қарра айласанг такрор,
Ҳар нечук калила иззасидан булгайсан халос.
Маним дуоларим ижобат этгай Бирубор,
Журача, мундай хароб юрмай энди,
Осмон меҳроб,
Замин сажжодаси,
Бос, пешанангни бос!»
Истибдод забтидан саодат,
Ибодат,
Иродат бахтидан йироқ
Тушганларга асло кечмишларин этмади таъна.

* Нонсут — ширчойнинг Жалойир элати шеvasида туркона аталиши.

Фалакда рамазон тугин кўтарган
Малаклар тутганда чироқ,
Эзилган эл кулбаларида оят ўқиди эллик уч сана.
... Хожа Барқий даргоҳига юкунарди
Хожа Якшанбадан сўнг,
Хожа Баҳоуддин машҳадида йигларди юм-юм.
Нураб кетган азизободлар вайронасин
Кузатганча чўнг,
Изимизга қайтар эдик,
Бова-бала гунглардан ҳам жим.
Бухоронинг ўзига-чи кирмасди,
Йул босиб шунча,
Боисинда сўрамасдим,
Айтмас эди чол.
Қабристонлар бошида ётган ароқ бутилкаларин
Тушиб йигиштиргунча
Қилмиш эгаларин дуо айлағайди чекмасдан малол.
Оғир дардга чалинди Сайим маҳдум уч кам юз ёшда,*
Даҳанига саратон илашди,
Билдирмасга тиришди роса.
«Тасодифдек ҳақиқат бор, балам, ҳар бошда,
Қовоқари чақиб қочди,
Қайтмаяпти манов бемаза!»
Хушнудлигин яширмасди,
Лекин дардини
Сездирмасди гуё Яратгандан ўзгага ҳечам.
Рузада сояга тутқазмасди
Ҳатто жисми гардини,
Ногаҳон ибодатга қалқарди тун — ярим кеча.

* *Сайим маҳдум ибн Сайидомон маҳдум (Сайим Омонов)* — 1895—1991 йилларда яшаган чўпонзода, ҳофизи Каломуллоҳ, она жаддимиздан амакибовамиз. Раҳматли тирик хотира, Аллон қишлоғи қалби, мумтоз адабиёт билан таништирган билимдон ва нозикмижоз зот эди. Ўзбекистон истиқлолини кўриб, шукрона билан дорилбақога кетди. Саҳобалар авлодидан, насаб ва ишқия тариқатида «маҳдум» эди.

«Туташсам магар,
Йигламангиз,
Майли, даф қоқинг,
«Мавриги»ни йиглатингиз,
Ё «Ҳижоз»дан чалинг, балам, бошимда!
Неча йиллар,
Билмадим-ов,
Ўз-узимга жаноза ўқидим,
Токим,
Ҳазрат Чупонота йўқламишлар,
Шукур,
Ювманг, ё қавм,
Қуръон лошимда!»
Мирза Бедил деган Қаҳқашонга йул кўрсатганди ул,
Мискин Навоийни Сомончи йўли атарди мудом.
«Инсон зотин улуг мартабаси Ҳақиқатга қул,
Бил, Ўзига қулликдан ўзгасин севмайди худо!»
Шакарлаб Фузулий байтидан маст бўларди
Бола мисоли,
Шайх Аттор
Гартак «қоқчакак»лигин ўқтирарди боз!
Неваралар туғилганда битта нон олиб,
Дуо ўқиб,
Исмин билиб,
Қайтарди, холос.
Бузуқ ишлар кайфиятин бузганда гоҳи
«Чатоқ-да» талқинидан асло ўтмасди нари.
«Ёмон кунда қўлласин барингиз Худо,
Мадад берсин Чупонотамнинг бедор арвоҳи,
Кабир аждодларим,
Чулиқ боболарим,
Илтижо этгандек бари!»
Муслимлик сўнгсиз уммондир,
Ақлим шошганда,



Абадий ростлар даргоҳида фикрим довдирар.
Шунчаки,
Кечмишлардан баъзан юрак тошганда,
Сайим махдум зиёратига ҳаргиз бормаган
Ўз пирининг тимсолида тушимга кирар!
Билмадим,
Билмадим,
Билмадим:
Сайим махдум
Талқин топганига ун йилча бўлди!

2000

ЎТСИРАШ

Болаликда ўйнаб-ўйнаб юрган учиримларга
Юрагим ҳаприқиб боқадирман пусиб, ўтсираб.

Бир маҳаллар гаров бойлаб кечганман дарё,
Букун гўё ажал долгалари жонсирар унда.

Ўша кезлар сарпойчан ўтилган дашт йўлларида
Энди илонлар ҳам чаёнлардан чўчиб юролма.

Бир ажиб ҳорғинлик оғушида ухлаб қолганим
Адирларда бу кеч оч бўрилар бордек туюлар!

Ўнов ўгил, бешов қизни севардим фарозда, лек,
Уч қизга учма-уч насиба топиб бераман.

Теппасидан қараб сира бошим айланмас минор,
Теппасига кўз ташласам, ажаб, айланар бошим.

Замин деган мувозанат бир чеккасида,
Очиги, озодлик, эрк ҳақида уйламасдим ҳеч.

Бобомга қўшилиб рўза тутдим саратон кези,
Ўзимча қизиқиб ташналик ҳам очлик сирига.

Дунёдаги энг ширин қовунлар тонгда ўғирлаб
Келганларим эканлигин қайдан билибман, жўра?

Қизалоқлар исин севиб қолдим ун тўрт ёшимда,
Теграмда чарх урар уша хушбўй ҳислар гиргиттон.

Энг тотли фаразларимни, билдим, одамлар,
Гуноҳ аташаркан умрим сўнгида, сўзсиз.

Бир хушкалом дуолар ўрнин қитмир ҳикматлар,
Аччиқ хулосалар эгаллаб ҳам бўлдилар, шояд.

Хуллас, жуссам кезган дунё сирли пучмоқларида
Ул ўғлон буларди юрак, бағри бус-бутун, беғам.


Чучимасди дунё синов, ҳикмат, саргузаштидан,
Биргина ниятда эди мудом: бўлмоқчи Одам!

Кечмишдан маъно-мантиқ изламай, яшарди оддий,
Қаршисидан чиққанига шукрлар айлаб мардона.

Инсон болаларин бир-бирига этмасдан қиёс,
Атиги суйгуларди азалий қондошларидек.

У ҳамон билмайди: йиллар ўтгач, ҳадик ва қўрқув
Шубҳага қўшилиб юракни ҳам ушатишини.

У ҳамон билмайди: ақл дегани аёвсиз душман,
Кунгилдан содиқроқ дўст йўқлигин танти ҳаётда.



У ҳамон билмайди: кунлардан бир кун теграсида
Ниятидаги Одамдан ўзга зот қолмаслигин ҳам.

У ҳамон билмайди: чорак асрча вақт ўтганидан сўнг
Ўзинг дардсиз кечмишига ётдек боқшин масъуд.

У ҳамон билмас: Амударёдан сузиб ўтишдан
Чучиб тушган Барнобек тарихи эканлигин-да!

Билиб қолса-чи?

1999

БОЛАЛИКДАН ВАФОДОР ЭЗМАЛИК

1

Тутун булутларга битилган мактуб!
Бунча аччиқ нега ўчоқ жавоби?

Эрта баҳор деган унвонсиз рассом
Қай ҳомийдан олмиш шунча бўёқни?

Атиги бир дона ўрик данаги,
Айт-чи, қандай сиғдинг сен унга, дарахт?

Ибтидоий одам сендан ўрганган,
Адашмасам, найза отишни, жайра?

2

Куклам қитъасида неча болари,
Тагин қанча гул бор, математика?

Ўзни тергаш деган улуг бир фандан
Ўзни терголмаслик қачон яралмиш?

Ошиқлар кўзидан оққан дарёлар
Қайси океанга қуйилар мудом?

Неча ёшга кирдинг, айт-чи, Зарафшон?

3

Тонганлар ишқи-чи, қайси юракдан
Сиёсий бошпана сўраб боради?

Нега буюк зотлар барчаси доим
Ўтмиш диёрида яшаб ўтишган?

Ҳиссиётлар Қизил китобига, хуш,
Қайси бир турини киритай олдин?

Кайфиятимга мос либослар, кўрсат,
Қайси бир дўконда сотилар текин?

4

Ватан дегани-чи илдизинг қучиб,
Учгани йўл бермас тупроқ чангалми?

Тирик қотилларни барин бир йўла
Юрагига сургун қилса бўлмасми?

Тақдир курсидаги қийматинг қанча,
Дарвоқе, дарвоқе... жаноби Доллар?

Нега пайвандтақдан кўпаймас одам,
Қушлар никоҳи қайд этилмас ҳамон?

5

Вазни ортадими Ер куррасин ҳам
Барча хотирани бир жойга йигсак?

Қандоқ зерикарли! Қиёматдан сунг
Ғанимларсиз нечук яшайман, ахир?

Сирли оқшомларда нега балиқлар
Қуш бўлмак қасдида сапчийди кукка?

Қузисин излаган совлиқ йигиси
Қандай номланади, унинг жанри не?

6

Қалдирғочни қумсаб яшашинг учун
Атайин келарми куз изидан қиш?

Қуёшга тобласа селгирми хаёл?


Ер юзидаги барча касалхонада
Қуёшдан ёқимтой ҳамшира борми?

Бола мисол танин офтобга товлар,
Кампиридан қочиб қария нега?

7

Миллатдош марҳумлар устухонидан
Унганлар қайси халқ бўлмакни истар?

Капалаклар исмин ота ё она,
Балки, момолари танлар кукламда?



8

Қайдам, ёлгон бўлиб чиқмасин султон
Тангри куланкаси деган ҳақиқат?

Қайдам, балки нафас ростласа булар
Ана шу куланка остида андак?

Авжи саратонда аёлдан қочиб
Сувга термулмакни ўргандим кимдан?

Уммонда наҳанглар қайси ойларда
Тутишаркин рўза, билса буларми?

9

Қояларга барча саволлар недан
Ўзингга қайтади акс садо бўлиб?

Кум-күк сойлар мунча ошиқар тўйга,
Тўйбола исмини билмаса ҳам, дил?

Хаёлдан самимий истиқлол ҳам дўст,
Завқдан доно устод борми оламда?

Кайҳоний жиноят кодексида-чи
Қанча ҳалол модда бор экан, домла?

10

Аниқ хулоса йўқ, фараз бор, холос!
Хуш, нечун яратган Борлиқни Тангри?

Ҳаёт ҳам тақдирнинг қисқа таърифи
«Хизмат сафари» деб айтилмас нега?

Қадр дея аталмиш юксак чўққига
Куйлагим байроқдай тиксам арзирми?

Муссон ёмғирлари Қизилқум сари
Тажриба ахтариб келмайди нечук?

11

Ҳавода эркинлик ҳисси ногаҳон
Тугилар қай сабаб ёмғирдан кейин?

Аждоди ёввойи булганин бир пайт
Тан олгиси келмас недан бировнинг?

Ҳайвонлар подшоҳи арислон экан,
Қандай аталади, хўш, унинг тахти?

Мумтоз маҳлиқолар латофатини
Қайсингизга мерос бергандир, қизлар?

12

Нега гиёҳ унмас кўз ёшдан мудом?

1995


БИР ОТУҒРИНИНГ АЗИЗ ЁДИ

*Болаларимнинг суюкли бобоси
Абдусоли Қучқоровга*

Бори шу-да, болам,
Катта бобонг донгдор отуғри!

Дейлик, улуғ эшон,
Машҳур одам утмаган, тушун.
Аждодим сувратин отам эслолмаса,
Биз билмасак-да,
Шунчаки шаъни азимдир:
Ул жаддимиз бўлгани учун.
Аждодидан тонганларни кўрдим,
Ўздан қайтганларни ҳам,
Шахсин кимдир таърифлаган телба,
Маҳдуд зотларни.
Сиймосини бирортамиз билмас,
Кўрмаган паҳлавон бобом,
Қарнаб, Кўкдала,
Нурота, Қизилқумдан
«Урган» қизбел отларни.
Биров отни хор қилганин кўрса
Бобокалоним,
Ёким кимса отин жеркаганин бўлса шоҳиди,
Холисда маҳзун жонвор бўйнини қучиб,
Кузидан упиб,
Қолдириб кетаркан димогида
Кафтию кўктошин ҳидин.
Фалон кун сўнг
Ғазал айтиб тушганда йўлга,
Бизим элда чавандозлар ёришиб дили,
Хуржунига нон соларкан
Дуолар билан:
«Зоти лойигидан, Эшжон,
Топиб кел-да, ишқилиб».
Қашқадарё, Самарқандда,
Чоржуй, Бухоро ёқда,
Тагин Нуротаю
Қозоқ даштларида у,
Буридай тикка бораркан отларни истаб,

Саждалардан саждаларга,
Манзиллардан манзилларга
Ичмай қултум сув.
Юрт деганнинг ҳар қув унгирын,
Ҳар шир чагатин
Билган мағрур, телба, эркин, кушод кимсани
Чевараси эканлигинг унутма, болам,
Эшпулат Эгамназар неварасидир
Мартабам аслида маним.
Гоҳи қашқирсифат бориб уюр ёнига,
Баъзан шунчаки каклик,
Танлаган айгирын югансиз буйнидан қучиб,
Ёлидан ўпиб ерга йиқитмоққа ҳам,
Менимча, керакдир,
Ҳа, ўша эртактаги Кукдевинг кучи.
Рости, шундоқ,
Бобомнинг «демона» қилиқларидан
Охирги кемшик тишин кўрсатиб кулса
Эшакўғри ҳам,
Ўттиз йил олдин
Мароқ билан барин тинглар эдим, бил,
Босса ҳамки дилим,
«Эш полвон шайтон эди»
Деган шунқор «гам».
Рост-да, кимнидир қақшатган,
Кимнинг «оёгин узган»,
Қанча отни ўз юртидан айлаб нохос бегона.
Қайдам,
Дунёдаги энг охирги «айёр» булгандир бобом:
Эгаси билан от орасига
Билдирмайин қоққанда пона.
Не булганда ҳам, инон, болам,
Ўғри эмас бобокалонинг!
Уч ой, беш ой ёт юртларда, майли,



Юрса ҳам дайдиб,
Ўзинг уйла,
Жалойирдан пиёдалай кетган ўгри-чи
Келгаймиди турт-беш оқ,
Қора айгирни мағрур етаклаб қайтиб!
Унгайсан, шояд,
Илтижоим ёлғиз Эгамдан шулдир,
Ўзидан ўзимга ҳеч нима тиламадим,
Жойнамоз шоҳид.
Ўғриларни «тутган» азал
Ўғирланган қум зарраси ҳам,
Эш полвондан отлари тонмаган,
Юртига қайтмаган,
Эл-да бунинг гувоҳи.
Ўттизинчи йиллар..
Билмассан,
Билмайман,
Билмасдан яша,
Қайсар ҳам мағрур элим дили ютганида қон,
Янги қонун, рангсиз ҳаёт, бахтсиз тузум..
Барин унутиб,
Отдан туширган эркисиз дунёга этгандир исён?
Отўғрилиқ — қадим санъат,
Ўғрилиқмас, йўқ,
Ошиқликдир,
Бир ошиқ-да
Ўзга ошиқ кўнглин топади.
Шунда... Кўкдалада шамолдай уйнаган айгир
Қарнаб оша Жалойирга яйраб чопади.
Бизга ётдек бу туйгулар,
Юрак шукуҳи,
Бизга бегонадир қадим, боқий жалолат.
Эшпўлат полвон урушга жунаган куни,
Хотини,


Болалари...
Йуқ,
Сўлим-сўлим тулпорлари
«Истанса»да йиглаган ҳолат.
Бобонг ҳамон уксинади:
Бирров изидан ўзим, онам..
Акам,
Опам, кошки, борганда айрилмоқ пайти,
Оқ иштонун тақир чопонда видосиз кетган
Отагинам келгаймиди бағримга қайтиб?
Шундоқ ўтган бир аждодинг,
Қирқ ёшида бевани қучиб,
Биргина угил қолдириб кетган узидан,
Достон — қолгани.
Кимдир кимларнидир сотмоқ учун из пойлаганда,
Ўнгир оша улоққан у
«Ўзбак»лардан бир от «олгани».
Ҳа, дарвоқе, мард отўгри булганкан ўзи,
Молин излаб келганларни синдирмаскан..
Бераркан додин,
Атиги, юртига қайтган от эгарсиз маҳал,
Бўронбова ёвонидан туриб тутаркан
Ўзи танлаган отин.
Сўнгра тулпор..
Сездинг, болам, бобомга қайтиб,
Дилдорликлар қилар экан ошиқларга хос.
Оти қайга қайтиб кетганини билган даштликнинг
Кўкрагидан армон кўкка ўрларкан, холос.
Ҳалок булган
Иккинчи жаҳон уруши деган улкан қитъада,
Россиями, Украина, Польша ёким Болгария..
Йўқдир дараги —
Гуёки
Катта лейтенант Эшпўлат Эгамов

Жасадини ҳам
Отлар кипригида
Қабригача ўзлари
Пинҳона элтгани каби.
... Болажоним, чўчимагил,
Миёнколи тулпор сени тишламас,
Йиқитмайди, йиқилсанг гар тушайди ёлин.
Билсанг,
Манов кумайт айгир
Бобокалони ёлларини ҳам
Эшпулат Эгамназар силаб кетган..
Етмиш йил олдин.

1999

АЖДАР ЛАҚАБЛИ ЧЎПОНКУЧУК

Аждарбой, у, Аждар ака,
Аждар жолабон, йуқ Чулибек энди!
Ўлдиришибди уриб эгангни!
Қоратог ҳам Қизтоғ адирларида кезганча сарсон,
Изламоқдан фойда не,
Ўн олтисида чўпон боболарига қўшилган.. рангни?
Аждар бобо, нега изляяпсиз,
Нега тинмайсиз,
Биздан-да топмадингизми
Чулибекнинг хушбуй нурини?
Ўлмаса, ўлмаса,
Бир куни
Катта бир чўпон буларди,
Ҳаёт деган ният бардош,
Бардошсизликларига ботиб, туртиниб!
Одамларга паст назар билан боқиш одати,




Талтайиб,
Хаҳолаб таом емакни,
Яхши киймакни давлат билганлар издиҳомида,
Бечора Чулибек,
Раҳматли Чулибек,
Атиги бир чўпон бўлмакчи эди...
Минг йил сурук сурган Хизир бобосининг улуғ номидан.
Математикаси не,
Геометрияси не,
Англамасди бир чўпонзода,
Шунчаки қўчқорларни севарди,
Қузичоқларни упарди қучиб.
Аммо, Аждар бобо,
Ўзи бир бурда нон ейишдан аввал
Сизга ҳам бир учидан бермакка етарди кучи.
«Она тили»дан «уч»га зўрга етишган чўпон боласи,
Қадимги,
Янги,
Энг янги тарихдан нуқул оларди «икки».
«Банно амак,
«Беш»ларингиздан биттагина қарз бериб туринг!
Тирикбодода отажонимга кўрсатиб келаман-да,
Сунгра... ўзингизники!»
Дали-гули доно эди,
Кейин англадик,
Йироқ кетсанг
Қоратоғдек қадрни бирдан ўтган... маҳали.
Гап қайтарганди вайсақи Тарих «домлача»сига:
«Арабларданмиз,
Пайгамбаримизни ҳадеб туртманг, муаллим!»
Ишонарди эртақларга,
Ривоятлар жони эди азалдан,
Битта ҳангома деб Сайим маҳдум белин уқаларди боз.
Дадаси Турум чўпоннинг саман отин ҳам
Эъзозларди қора ҳангисин,

Ҳатто...
Шунчаки... эшагига тақлидан тортарди аррос.
Аждарбой, ў,
Дайравот шамолига кўкрак очганча
Акиллаб бирга югурмакка шерик йўқми энди, а?
Чулибекнинг муҳаббати ҳам роса соддача эди:
«Банно амак,
Отам танлагай қизга ошиқ бўламан-да, ҳа!»
Толдан толга ошиб уйнаганда тилидан тушмасди сира:
«Лаълихон, ҳайда, қўйингни боқаман!»
Ҳайҳот, унгдади.
Чулибекдан айрилиққа қишлоқ, дунё кўнди-ю,
Лекин, Аждар ака,
Хотирангиз нега кўнмади?
Бобосига байъат қилди,
Ўн иккида «қўл» олди чўпонлардан, рост.
Қизтоғ адирларида тутганди илк рўзасини ул,
Аждар бобо, эсингиздами,
Саратон тигида чанқаб кетганда бағри,
Бардошсизин Булдуруқ чашмаси сарига боқарди нуқул.
Тун кийганман бизим Рамазон ҳайитида шод,
Чулибек-чи,
Бобомдан битта чўпонкучук,
Яъни сизни сўради.
Суруклар сочилганда
Бижанчи, Девхона даштига қўшиқлар мисол,
Кузим ҳамон саробларда қорувли жисмин кўрадир.
«Нешванд» билан тиллашарди,
Серкага айтиб латифа,
Аждар ака, сиз учун-да сайхонларда топарди эрмак.
Гетармон, Чўнқаймиш қоясига син-син тикилиб,
Бобомдан чўпонлар ҳақда тингларди эртак.
«Воввовжўра» эди мартабангиз,
Эркатой Аждар,
Гарчи бури қолмаган эса-да бепоён даштда,

Уч қашқирни бир йўла «босган» ингиздан қушиб-чатарди
Курмаганлар қушилганда туқайзорда усмирча «гашт» да.
Шувоқ исига бурканган элсиз кенгликда
Чатнаган харсангларга суянган куйи уйларди довли.
«Армияга борсам, дунёни бир куриб келаман,
Сунгра, насиб этса,
Буламиш бобомдек саксон йил соғарман совлиқ!»
Аждар бобо, бир феълингиз бизга ноаён,
Ҳазрат Қосимотада неларни излайди бир чўпонкучук?
Ҳазрат Оқсоқолотада неларни топгаймиш бир
чўпонкучук?

Ҳазрат... Чулибек мозори
Бошидан неларни кутади чўпонкучуғи?
Мозористонларда нега тунайди чўпонкучуклар,
Яккамозорлар бошида нега қишлайди
Қитмир авлодлари, а?
Шу сиррингиз аёнмас,
Эй Аждар бобо, бизларга!
Бир қасд зарбидан ўлган ўғлига
Уч ойча чидади атиги
Донгдор Турум чўпон...
Кетди ўзи ҳам.
Эгасизликка ун бир йил чидади Аждар бобо сунг.
Чўпонкучук қариндошлар ҳовлисидан Чулибекни излади,
Чўпонкучук авлиёлар бошидан Чулибекни излади,
Чўпонкучук кўзимизга тикилиб Чулибекни сўради,
Чўпонкучук Тутақда йиглади,
Чўпонкучук Зангулада улувлар тортиди,
Чўпонкучук осмонга тикилиб кўз ёшлар тўқди.
Чўпонкучук дунёдан излади Чулибекни зор.
Чўпонкучук бир куни кўринмай қолди.
Аждар бобо чўпонликка етганди, холос.
Чўпонкучук Чулибекка кетганди, холос.

2002



«КУНДАЛИК ВА ТУНДАЛИК» ДАН

Тақдир бийдай чағатларида асрлардан қолмиш
ишларга ёлган қор эрийди имиллаб сим-сим.

Бу йил-чи, қизалоғим, қанотларини сенга
ташлаб кетишади бобоюрт қалдирғочлари.

Сунбула фируза тунида Сомон йулидан
қадим навдек энэр боққа хазонрез саси.

Баримизни, қизим, лайлак олиб келган аслида!

Шояд, Архимеддек туйқус кашф этсанг булар:
ақл ҳам эгасига ўшамаса ҳаром улишин.

Нечоғли эриш туюлмасин, уққил, болажон,
муҳтож бугзида наводир ҳар қандай неъмат.

Ақраб бошидан ҳамал адоғи қадар
сокин тушларим томини тешар ёмғир ҳам.

Қирқ ё эллик йилдан бери эл хизматидан
толмаган уриклар белбоғ боғламас нега?

Нон, сув, ер, шабада, булут, аёл, шароб, коинот...
туб бахтли сўзлар карвони нега бунчалик қисқа?

Даричани эрта саҳар чертиб қочган зумраша
биз ҳам унутган йул эканин сездингми, юрак?

Онаси қулоғига нималар деганим бир кун
болаларимга сотмайсанми, айт-чи, уриқвой?

Теграм узра бир-бир уртаниб суниб боргувчи
қайси ниятлар куйидир, айтгил-чи, тақдир?

Ўриндиқда талтайганлардан жой утинмоқчи
анови чол файласуф Арасту эмасми, тавба?

Оймомо, илк дафъа Ер гирдидан ўргилган палла
сойда сочларини чайган сулувим кўрганмидингиз?

«Кириш қатъиян ман этилган»ларга бошини суқиб,
тирикликдан дарак берган баҳор шоирами, а?

Шаҳарда бир ҳовли, урик соясидаги бешиқда қушиқ...
Хуш-ш, болакайлар, бу сайёра номи нимадир асли?

Меҳрибон қуёш-да кўқдан эниб кунлардан бир кун
ҳижрон йўллари эқиб ташламас нега, эй осмон?

Йўқ, бармоқлар, наздимда, бошқача аталса керак,
дейлик, адоқсиз кафтга қуйилган дарёлар дея.


Кунгилдан ҳазинроқ манзара борми дунёда?

Ер юзи табиий гуллар харитасини
қайси алифбода боболаринг тузган, болари?

Келгуси ҳаётимда, мабодо оҳу бўп келсам,
қайси неэчедеварам ўқидан қуларман, дунё?

Илиқ улкаларга эмас, қайдам, ойдин лайлақлар
Қуёшга уя қўйгани кўчишди бу кўзда, ишон.

Хўрлансам, чорасин пайпаслаб тополмасам ҳеч,
кўксимда ботиб қолмиш муштдай туюлар юрак.



Нариги дунё, охират... билмам, эзилма, воиз,
узилсам кетарман, зотан, Туркистонга мен.

Бу шоир акам унвони аслида, билсанг,
этикнинг ковушга мактуби таржимонидир.

Беш-олти йилдан бери қуноқ тушмаган
кулбадай унниқиб кетмиш хотиралар, оҳ.

Дунёдаги энг охирги телба десалар, майли,
ишонгил, бахт қуши мавжуддир, юрак!

Тунда саҳро хушсабо кенгликлариди
ширин согинчлардан тўлишибдир Ой.

Бир мағлуб лашкардек эзилган, маъюс,
кўз олдимдан кечар эрк таъмили сўзлар.

Умуман-чи, неча варақ бўларкин, ўзи,
юрагимга яқин сўзлар тугал лугати?

Манов кимса ёмон қариган эса,
ишонинг, кексалик айби эмасдир.

Бир армон, бир ишонч, бир гамки, ойдин,
бағрига саҳрони солсанг, бўлмайди урвоқ.

Англагайсан бир кун Ҳотам қилмоғин ҳавас,
дилини қизганиб ўтса инсон дунёдан!

Қаргаларни қай йўсинда кулдирса бўлар?

Юракка қадалар кутилмаганда
ҳайкал сиймосидан лоқайд хулоса.

Исталган сукут аломати ризо бўлсайди,
айтганча, маъно қолмасди унда муқаррар.

Занжирсарой: мунча гўзал ҳам қўрқинчли!

Аслида, азалдан, тарихан... бир қанча тагин.
Хуш, эркин қўллаш ҳуқуқин ким берган бляга?

Кунгил шашмақомга сигмаган нола сингари
абадан таралар бағримга, бу ҳам бир бахт-да!

Шахсни соғиниш мафкурасин яратади ким?

Мозор бошидан қайтган сўнг шу уй уртади:
тошлар маломатига нечук чидаймиз бир кун?

Қуёш маммалари очиқ ётволган
малласоч аёлдай бунча чиройли?


Марҳум эрига садоқати уша аёлнинг
ҳаётдан қўрқуви экани шундоқ аён-ку?

Чорлаганда келмас дўстлар орасида гоҳ
отини тутаман билмай Туркистонни-да!

2001


ФАЛАТИ БИР ЭЪТИРОЗ

Шундоқ,
Барибир,
Дунё ўткинчидир... айтолмайман ҳеч,
Чарагон юдузлар чулдираган фалак-чи «золим»...



Бундай алаҳсирамоқ келмас қўлимдан.
Ўлимдан олдинроқ ўлмак,
Э йўқ,
Бир бораси асло қолмас, биладирман, кеч,
Ҳаётни-ку,
Ўзим билмай,
Олгандирман қарзга Ўлимдан.
Уч ёшимдан отам қаватида чопадирман ер,
Дарахтлар экадирман
Ер куррасин тушига атай ҳар кўклам.
Билдим,
Ичиқоралар сени, замин, асли «қора» дер,
Сен-да саодатдирсан,
Гуё кунгил учун тушгандек кўкдан.
Адирларда лолаларинг ёнганида ҳаприқди қоним,
Шувоқларинг, бурганларинг,
Муסיқадек,
Буржлар навоси.
Қизил кийган қизалоқлар толдан баргак тақиб,
Эртан уйғониб,
Излаб кетар,
Излаб борар,
Қара,
Абадият юртин ҳавосин.
Қишдан чиққан дилбарлардай сулувдир кенглик,
Қушиқларин йироқларга сочқилайди
Ошиқ бир Шамол.
Юракларин,
Кўрадирман,
Кунгил деган барҳаёт тенглик,
Орзулари Яшиллик ирқидан яралган Аёл!
Бағримдаги дилбар сочин қора тунга менгзамам асти,
Бир ойдинлик,
Сир ойдинлик,

Пир ойдинлик,
Кечмишлар майли.
Ўн етти йил парвариш айлаган момоси айтсин,
Жамалаклар солганини уч кунда бир...
Кунглим туфайли!
Аланечук шартлар боис
Инсон зотин камситмайман, йўқ,
Боболарин кечмишидан
Авлодига урмайман таъна.
Эшигимдан кириб келсин
Бутпараст,
Яҳудий,
Насроний,
Мусулмон,
Тутиб бағрим туқ,
Дегайдирман:
«Одам авлоди, тақиллат эшигим яна!»
Тонгда...
Кучаларни артган фаррошларга бераман салом,
Шанги ҳайдовчига ўқрайиб боқмайман,
Ўн сўмга алдаганин қолганда сезиб.
Ким билсин,
Ўшанда ёлчиб ер тушликда таом,
Балки, боласига хўрозқанд элтар ярим тун кези!
Мабодо,
Мабодо,
Бирор кўргуликка келганда дучор,
«Ҳаром» ё «ҳалол»идан очмам сўз,
Гийбат демасман.
Ўзганинг бахтсизлигидан,
Нечук,
Қиладирман ор,
Шунчаки,
Шунчаки,




Яхши одам,
Мен у эмасман!
Она, сени севдим,
Билмайман сириң,
Ота, сени севдим,
Йуқ бунга-да талқин!
Қизалогим, сени суйдим,
Гудакликда,
Усмирликда,
Барчаси ширин,
Онасидирсан, билмам,
Барнобек деган каттакон халқнин!
Малакнафас тоғлар йулда Мангулик сари,
Париталъат чорбоқлар тутар ваҳдат шаробини, о.
Юрак деган мамлакатдан кетолмай нари,
Боботулқин уммонларга чорлар бир садо!
Шундоқ,
Барибир,
Дунё уткинчидир... айтолмайман ҳеч,
Кунгил ҳам тақдирдан узгасига ошиқ бўлолмасман, йуқ.
Худойим,
Узингдан бағрикенг топмадим бу йулда, эҳ-ҳе,
Иккимиз билмаганимиздан... эса кунглим туқ!

1992

МОВАРОУННАХР

Тушди куклам этагидан..
Сафолик боғлар,
Қайтди жилгаларга қийгос сувлар жаранги.
Аригандек гуё буткул хотирдан доғлар,
Теварақда балқигандек юрагим ранги.




Сойларга эргашиб чопган дамлар олисда,
Майсага термулиб хаёл сурган кунлардек,
Эртаklar ҳам латифалар кетмишдир биздан,
Ўз-узи ча
Сирга сингган дилгир унлардек.
Бужир ўрик,
Омонмисан,
Шохларинг қани,
Қайси тулпор авлодисан,
Сулувим тойча?
Тақдир кукламлари чорлаб йироққа мани,
Сиздан айро солди соғинч..
Етти минг... ойча!
Ер юзининг қоқ ярмига қадамим етди,
Маъволардан маъволарга ошино бўлдим.
Кечмишимдан неча тунлар тўкилиб кетди,
Ой тўлганда,
Сени қумсаб,
Ҳасратга тўлдим,
Адирлари, сойлари қув,
Азим Тогбобо!
Қор қўйнидан қўзиқулоқ қиқирлар майин,
Гудда харсанг теграсида куйлайди сабо,
Чулиқ суҳбатдошлар чалган қўчқорчи найин.
Ҳар қаричин тарихи бир дoston ажойиб,
Ҳар гушасин қўриқлайди комил авлиё,
Ҳикматлари хотирангдан бўлмайди ғойиб,
Мовароуннаҳр аталган адоқсиз диёр!
Ишон, одам кечмишидан юрмаслар кулиб,
Андишанинг оти..
Ҳаргиз ҳикматдир бунда!
Заковатинг чорбоғида иймон булбули
Эзгу қасидалар куйлар саҳарда, тунда!
Думбира ҳам танбур туғар юртда полвон тут,

Бешик қўзилар арчаси сойлиқда минг йил,
Зирвалардан ургилганча шиддатли бургут,
Улуғ-улуғ даргоҳларга чорлайдир,
Кунгил!
Ёвонига бободехқон термулади син,
Қундогидан ҳур чақалоқ жилмайиб кулар.
Алабир шухлигим такрор...
Ёришди ичим,
Азиз диёр,
Томиринг-да, бариси булар!
Олчинбойим, қозоёғим, қарлуқ ҳам бурқут,
Жалойир ҳам кенагасим, баҳрин, урганжий.
Тўқсон икки қулоғингни юрагимга тут,
Булсин сенинг,
Дадаўзбек,
Тақдиринг ганжи-ю,
Тақдирим ранжи!
Гоҳ музаффар,
Гоҳи мағлуб бўлдик дунёдан,
Жумла ёвузлардан сен-ла устун келдик сўнг.
Дейдиларки,
Кибор бўлма, ютгандек хода,
Бўлгулик қўчқор манглайи келгай мудом дунг!
Нашъу намо қадим боғда,
Борлиқда шукуҳ,
Тушларимга ҳар дарёнгдан таъбир тиладим.
Ватан,
Асли,
Коинотдек бепоён бир руҳ,
Иқболим деб болам бошин упиб силадим.
Унутилар бари,
Шодлик,
Ҳатто қисмат ҳам,
Бедор саодатинг тонгда қайтиб келади.

... Бир диёрки,
Ўғлонлари келмасдан кўклам,
Тойга ирғиб...
Хизир бобосин ҳам
Туйларига айтиб келади.

2002



МУНДАРИЖА

Ишқ	3
Миёнкол	5
Мулла Эгамназар девони ёки	7
Туркистон миноралари	12
Аср қаршисида	14
Пиёда телбаликлар	16
Аллон тутларига марсия	20
Мегаполис	23
Аёл ва дарё	26
Ваҳдоният	27
Энг олис манзил	30
Абдусамад ва Ойхонга атаганим	31
Ўгил биби	33
Боқий иштибоҳ	38
Ҳайрат диёри	39
Ўзлик	44
Бухорода кузги саҳар	51
Муҳаббат кабисаси ёхуд	53
Абадият	61
Лаҳзанавислик	63
Мастона	67
Чупонзоданинг қирқ бир ёлғони	70
Хотирот ранглари	73
Дайравотда кузак	76
Пароканда умидлар	77
Пайгамбарга қуй соққан чупон	81
Сарҳадсизлик	84
Эпитафия	85
Шайланиш	87
Тақозо	89
Шундоқ	93
Хотирамда баъзан	94
Аъзолар исёни	95
Мунтазамлик	96
Бизим сунбула	97



Бижанчи даштида	97
Учинчи йул	98
Кейинги ёлғизлик	100
Қадимий бахт	101
Кайфият	101
Қоратог томонлардан	102
Бир руҳбахш эмиш	103
Туртликлар	104
Оғаҳий газалига мухаммас	108
Сунгсизлик	110
Барҳаёт согинч	116
Кайҳоний эврилишлар карвони	118
Дўст видоси	121
«Оҳанг» туркумидан	123
Чилладаги маъюс хаёллар	125
Сайим маҳдум	127
Ётсираш	133
Болаликдан вафодор эзмалик	135
Бир отўғрининг азиз ёди	139
Аждар лақабли чўпонкучук	144
«Кундалик ва тундалик» дан	148
Ғалати бир эътироз	152
Мовароуннаҳр	155



Барнобек Эшпулатов

МЕГАПОЛИС

Шеърлар

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2002

Муҳаррир: *И. Шоймардонов*
Рассом: *А. Мусахужаев*
Техник муҳаррир: *А. Хижова*
Компьютерда саҳифаловчи: *Т. Огай*
Мусаҳҳих: *Н. Муҳамедиева*

Теришга берилди 23.05.2002. Босишга рухсат этилди 27.06.2002.
Бичими 70x108 $\frac{1}{32}$ «Мысль» гарнитураси. Офсет босма. Шартли
босма табаги 7,0. Нашриёт-ҳисоб табаги 7,26. Адади 2000 нусха.
Буюртма № 3565. Баҳоси келишилган нарҳда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмаҳонаси
700083 Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.